Рес. китобхона залига 144094

Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 1 октябрь, шанба № 149 (21.753). Сотувда эркин нархда

КИТОБ ТУМАНИ МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Муҳтарам дўстлар!

Аввало, сизларни мамлакатимизда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш режасини бажарганингиз билан самимий қутлайман.

Кўкламдаги қор-ёғинлар республикамизнинг тоғолди ҳудудлари деҳқонларига катта ташвиш келтирган эди. Шунга қарамай, китоблик деҳқонлар ғайратни сўндирмасдан меҳнат қилдилар ва яхши натижаларга эришдилар.

Ҳар бир қўлга киритилган ғалаба, у қайси соҳада бўлмасин, ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Китоблик меҳнаткашлар бу ҳақиқатни жуда яхши англайдилар ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам илғорлар сафида бўладилар, деб ишонаман.

Сизларга сиҳат-саломатлик ва бахту саодат тилайман.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ислом КАРИМОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МАМЛАКАТ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИГА ТАБРИГИ

Муҳтарам муаллим ва мураббийлар, қадрли устозлар! Аввало Сизларнинг барчангизни қутлуғ байрамларингиз билан муборакбод этаман.

Фарзандларимизни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаётган, уларнинг қалбида олижаноб фазилатларни қарор топтираётган инсонлар ҳамиша эъзозга лойиқдир.

Сизлар мустақил юртимизнинг эртанги тақдирини ўз қўлига олувчи ёш авлод шуурига маърифат ва эзгулик нурларини сингдиришда улкан хизмат кўрсатаётган кишиларсиз.

Сизлар заҳматли меҳнатингиз билан истиқлол моҳиятини, масъулиятини теран англайдиган, ота юрт шоншавкатини етти иқлимга ёядиган авлодни ўқитиб тарбияламоқдасизлар. Зеро, биз Сизларнинг илму салоҳиятингиз юксаклигига таяниб, маърифатли давлат қуриш йўлини танлаб олганмиз.

Сизнинг зиммангизда дунё илм-фани, маданияти тараққиётига улкан ҳисса қўшган, тафаккур знёси билан башариятга нурли йўл кўрсатган улуғ аждодларимизга муносиб ворисларни тарбиялаб вояга етказишдай эзгу вазифа турибди. Шундай шарафли вазифани адо этишда Сизларга куч-қувват, сиҳат-саломатлик тилайман.

Ислом КАРИМОВ.

КЕЛАЖАГИМИЗ МЕЪМОРЛАРИ БАЙРАМИ

Қадим-қадимдан элу юртда мураббийлар эъзозлаб келинади. Ўқитувчининг берган илму сабоғи болаларни ҳаётда комил инсон бўлишга, Ватанни, элни суймакка ўргатади.

Бугунги кунда, барча соҳаларда бўлгани каби, таълим тизими ҳам янгиланиб, жаҳон тажрибалари асосида ўзгариб бормоқда.

— Ҳар қайси инсон, аввалмбор, фарзандларимиз республикамизнинг тараққиёт сари қўйган ҳар бир қадамини ўз орзу-ниятлари ушалиши учун туғилган яна бир имконият деб англаши лозим,— деган эди Ислом Каримов.— Бунинг учун биз болаларимизни собитқадам, ҳақиқий ватанпарварлик руҳида тарбиялашга эътибор беришимиз керак.

Шу маънода, мамлакатимизда соғлом ва маънавий етук инсонни тарбиялашга катта ҳисса қўшаётган ўқитувчилар меҳнати қадр топмоқда. Буни Президентимизнинг халқ таълими соҳасида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимларни тақдирлаш, маориф ходимларининг меҳнатини рағбатлантиришга оид тадбирлар тўғрисида чиқарган Фармонлари ҳам исботлаб турибди.

30 сентябрь куни «Туркистон» саройида халқ таълими ходимларининг ўқитувчилар кунига бағишланган тантанали йиғилишида ана шу ҳақда гап борди.

Байрам тантаналарини Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ш. Жалилов кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг Ўзбекистон Давлат мадҳияси янгради.

Республика Президенти Ислом Каримовнинг мамлакат халқ таълими ходимларига йўллаган табригини республика Бош вазирининг ўринбосари С. Саидқосимов ўқиб эшиттирди.

Йиғилиш сўнгида катта концерт қўйиб берилди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг пленуми тўғрисида

А Х Б О Р О Т

30 сентябрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг навбатдаги XII пленуми бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг навбатдан ташқари II қурултойини чақириш ҳамда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловлар муносабати билан Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг вазифалари тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди. Булар ҳақида Марказий Кенгаш биринчи котиби А. Жалолов маъруза қилди.

Кун тартибидаги масалалар бўйича музокараларда Ўзбекистон ХДП Сурхондарё вилоят кенгаши биринчи котиби Ҳ. Эрматов, Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши иккинчи котиби В. Медведев, Қашқадарё вилояти Муборак газни қайта ишлаш заводи бош директори Н. Зайниев, Бухоро вилояти Ғиждувон ип-йигирув фабрикаси устаси, ХДП бошланғич ташкилоти котиби Қ. Назаров, Ўзбекистон ХДП Андижон вилояти Балиқчи туман кенгаши биринчи котиби С. Расулова, Жиззах вилояти Бахмал тумани халқ таълими бўлими мудири С. Мирзабеков, Ўзбекистон ХДП Самарқанд вилояти Каттақўрғон туман кенгаши биринчи котиби Б. Шомамадовлар сўзга чиқдилар.

Пленум Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг навбатдан ташқари II қурултойини шу йил 1 ноябрда чақиришга қарор қилди. Қурултойга делегатларни сайлаш тартибини, қурултойни тайёрлаш ва ўтказиш бўйича Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши комиссияси таркибини тасдиқлади. У, шунингдек, кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан ҳам тегишли қарор қабул қилди.

Пленумда партия сайланма органлари таркибига кирмаган Қорақалпоғистон республика, вилоятлар кенгашларининг биринчи ва иккинчи котиблари, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри туманлари кенгашларининг биринчи котиблари, Ўзбекистон ХДП Марказий тафтиш комиссияси аъзолари, республика қатор жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари қатнашдилар.

Пленум ишида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов иштирок этди.

• *Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши XII пленумининг қарори*

ЎЗБЕКИСТОН ХДПНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ II ҚУРУЛТОЙИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига сайловлар эълон қилинганлиги муносабати билан партиянинг навбатдан ташқари II қурултойи шу йил 1 ноябрда чақирилсин.

Қурултой кун тартибига қуйидаги масалалар киритилсин:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига бўладиган сайловлар ва Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг навбатдаги вазифалари тўғрисида.

2. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг сайловолди Сиёсий дастури ҳақида.

3. Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзодлар кўрсатиш тўғрисида.

4. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Низомига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида.

II. Қурултойга делегатларни сайлаш бўйича белгиланган вакиллик меъёри (1300 ХДП аъзосидан 1 та делегат) тасдиқлансин.

Қурултой делегатларини сайлаш Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия кенгашлари пленумларининг кенгайтирилган йиғилишларида ўтказилсин.

Ўзбекистон ХДПнинг навбатдан ташқари II қурултойи делегатларини сайлаш тартиби тасдиқлансин.

III. Ўзбекистон ХДПнинг навбатдан ташқари II қурултойини тайёрлаш ва ўтказиш бўйича Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши комиссияси таркиби тасдиқлансин.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўм ва Комиссия аъзоларига қурултойда кўриб чиқиладиган масалаларни тайёрлаш ва уларни партия ташкилотларида кенг муҳокама қилишни ташкил этиш топширилсин.

Қурултойнинг сиёсий ҳужжатларини тайёрлашга партия фаоллари, маданият арбоблари, олимлар, жамиятшунос ва сиёсатшунослар жалб этилсин, бунда ХДП аъзолари, кенг жамоатчиликнинг фикрларига таянилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

ҲАРБИЙ ВА МУҚОБИЛ ХИЗМАТНИНГ БЕЛГИЛАНГАН МУДДАТЛАРИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР, ЧЕГАРА ВА ИЧКИ ҚЎШИНЛАР САФЛАРИДАН ЗАҲИРАГА БЎШАТИШ ВА ФУҚАРОЛАРНИ МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ВА МУҚОБИЛ ХИЗМАТГА НАВБАТДАГИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» ва «Муқобил хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахслар Ўзбекистон Республикасининг қуролли кучлари, чегара ва ички қўшинлари сафларидан заҳирага бўшатилсин.

2. 1967—1976 йилларда туғилган, чақириқ муддатини узайтириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари 1994 йилнинг октябрь-ноябрь ойларида муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига чақирилувчиларнинг ҳарбий хизматга олинмаган ресурсларини ҳокимиятлар, вазирликлар, идоралар, корпорациялар, концернлар, уюшмалар ва ташкилотлар буюртманомалари бўйича, чақирилувчининг яшаш жойидан қатъий назар, меҳнат ресурслари чекланган жойларда, шунингдек, қурилиш, транспорт, алоқа, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, коммунал ва қишлоқ хўжалиги объектларида фойдаланиш мақсадида муқобил хизматни ўташ учун йўллашга рухсат этилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1994 йил 30 сентябрь.

• *Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши XII пленумининг қарори*

БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ ШАҲАР ВА ТУМАН КЕНГАШЛАРИГА САЙЛОВЛАР МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН ХДП ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига сайловларни тайинлаш ҳақидаги ҳужжатида ҳамда мазкур сайловлар тўғрисидаги қонунларга мувофиқ, дейилади Марказий Кенгаш пленуми қарорида, барча партия ташкилотларига ушбу муҳим сиёсий ишга тайёргарлик кўришни авж олдириб юбориш топширилади. Шу мақсадларда Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика, вилоятлар, шаҳар ва туман кенгашлари, бошланғич партия ташкилотлари партиямизнинг сайловларда иштирок этишини қўллаб-қувватлаш учун 50 минг имзони тўплашни «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунда кўзда тутилган муддатларда, аниқ ва уюшқоқлик билан ўтказишлари лозим.

Пленум Ўзбекистон ХДПдан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жоқарғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари депутатлигига номзодларни кўрсатиш тартибини тасдиқлади. Номзодлар, дейилади қарорда, халқ орасида юксак обрў қозонган, мамлакат Президенти, Ўзбекистон ХДП Раиси И. А. Каримов амалга ошираётган ислоҳотлар сиёсатига содиқ, партиямизнинг дастури мақсадларини чин дилдан қўллаб-қувватловчи, юксак маънавий фазилатли, ҳар томонлама етук, халқнинг талаб-эҳтиёжлари, орзу-умидларини яхши билувчи ва унинг манфаатларини ҳамма нарсадан устун қўювчи кишилар бўлиши керак.

Сайловолди ташвиқотини Қонунда белгиланган муддатларда уюшқоқлик билан бошлаб юбориш ва унинг самарали бўлишлигига эришиш учун ҳозирдан пухта тайёргарлик кўриш талаб этилади. Бунинг учун пленум партиямиз маҳаллий ташкилотларига сайловолди оммавий-сиёсий ишларининг режасини ишлаб чиқиш, ХДП аъзолари ва унинг фаол тарафдорлари бўлган знёлилардан иборат тезкор тарғибот-ташвиқот гуруҳларини тузишни тавсия этди.

Пленум муҳокамада билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олиб, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг сайловолди Сиёсий дастури лойиҳасини тайёрлаш ҳамда ушбу ҳужжатни партиянинг навбатдан ташқари II қурултойида кўриб чиқишга тавсия қилди.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МК МАТБУОТ МАРКАЗИ

БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИГА САЙЛОВЛАР МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН ХДП ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ХДП МК биринчи котиби А. Жалоловнинг Марказий Кенгаш XII пленумидаги

М А Ъ Р У З А С И

Ҳурматли Марказий Кенгаш аъзолари!

Азиз ўртоқлар!

Мазкур пленум кун тартибига киритилган масалалар ўта муҳим ва долзарбдир. Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига ўтказиладиган сайловлар Ватанимиз мустақилликка эришгандан буён мамлакатимизда собитқадамлик билан амалга оширилаётган туб ўзгаришларнинг, бунёдкорлик ишларининг узвий таркибий қисми, уларнинг мантиқий давомидир. Айни пайтда, миллий мустақиллик шарофати билангина бундай эркин, чиндан ҳам демократик сайловларни ўтказиш мумкин бўлмоқда. Бу имконият ўз-ўзидан пайдо бўлмади, уни бизга кимдир инъом қилгани йўқ. Мустақилликка етишиш учун халқимиз узоқ ва машаққатли йўлни босиб ўтди. Атиги уч йил олдин Ўзбекистонда, бутун собиқ Иттифоқда бўлгани каби мустабид тузум ҳукмрон бўлиб, республика иқтисодиёти асосан ҳом ашё ишлаб чиқаришга мослашган, халқимиз ўзининг тарихий илдизлари, маънавий сарчашмалари, миллий қадриятлари, ўзига хослигидан маҳрум этилган эди. Қадимдан ўзининг давлатчилиги, Шарқ Ғарб мамлакатлари ила ҳар томонлама алоқалари бўлган элимиз халқаро жараёнларда қатнаша олмас, уни ҳеч бир давлат танимас эди.

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги эълон қилингандан буён ўтган муддат ичида вазият тамомила ўзгарди. Мамлакатимиз фуқаролари эҳтиёжларини ҳисобга олмасдан, юқоридан туриб режалаштириладиган ғайриинсоний иқтисодий амалиётдан ҳамда унга асосланган маъмурий-буйруқбозлик тизимидан воз кечиб, одамий жамият ва ҳуқуқий давлат сари юз тутди. Истиқлолимиз истиқболларини ҳаётий воқеликка, айлантиришда иқтисодий пойдеворни бунёд этишнинг нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳисобга олиниб, юртимизда ушбу жабҳаларда ислоҳотлар кенг кўламларда олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, партиямиз Раиси И. А. Каримов XII чақириқ республика Олий Кенгашининг XVI сессиясида сўзлаган нутқида ана шу ислоҳотлар, туб ўзгаришлар, янгиланиш ўзанларида амалга оширилаётган ишларнинг дастлабки босқичига якун ясади ва мустақиллик боис бошлаб юборилган олижаноб вазифаларни адо этишда фаол иштирок этишга барчамизни даъват этди.

Сессия қабул қилган қонунлар Ўзбекистонда демократик давлат, инсонпарвар жамият барпо этилиши учун яратилаётган сиёсий-ҳуқуқий заминни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бу ўринда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўғрисида»ги конституциявий Қонун ҳамда шу йилнинг 25 декабрида Олий Мажлис ва халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашларига сайлов ўтказиш ҳақидаги қарор алоҳида аҳамиятга эгадир.

Айни мана шу сайловлар натижасида мамлакатимизда янги сиёсий тизимнинг бошдан-оёқ шаклланиш жараёни якунланади, яъни кўппартиялилик асосидаги сайловлар орқали бизда демократик парламент ва маҳаллий вакиллик ҳокимияти идоралари вужудга келтирилади. Сайловда қатнашган сиёсий партиялардан қайси бири сайловчилар кўпчилигининг овозини олишга муваффақ бўлса, ҳокимият тепасига ўша партия келади ва у, Конституциямизга мувофиқ, ўзининг олий ҳамда маҳаллий ҳокимият идораларига сайланган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузади, уни бошқаради. Шу боис ҳам ушбу сайловлар бутун халқимиз, мамлакатимиздаги сиёсий кучлар, жумладан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси учун ҳам муҳим аҳамиятга моликдир. Биз давлат ҳокимиятининг барча даражадаги вакиллик идораларига кўппартиялилик асосида ўтказиладиган сайловларга биринчи маротаба қиришмоқдамиз.

Сайловларнинг биз учун ижобий якунланиши натижасидагина партиямизнинг дастурий ғоялари, пировард мақсадлари ва жорий сиёсатини самарали амалга ошириш учун зарур имкониятлар яратилади. Ана шундагина партиямиз ўзининг Раиси — мамлакатимиз Президентининг ҳокимият вакиллик идоралари яхлит тизимидаги мустаҳкам сиёсий таянчи бўлиши мумкин. Шуларни ҳисобга олиб, биз барча сайловолди ишларимизни ташкил этишимиз ва бор куч ҳамда имкониятларимизни сайловлардан кўзланаётган мақсадларга эришишга йўналтирмоғимиз лозимдир.

Ташкил топганининг уч йиллигини нишонлаш арафасида турган партиямиз мустақилликнинг том маънодаги фарзандидир. Айнан истиқлол туфайли Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳам мустабидчилик тузумининг ақидаларидан холи бўлган, халқимизнинг асрий орзу-умидларини ўз Дастурида мужассамлаштирган янги ижтимоий-сиёсий куч сифатида майдонга чиқди. У ўз фаолиятининг биринчи кунларидан бошлаб халқимиз, мамлакатимиз, ёш давлатимиз манфаатларини ҳамма нарсадан устун қўйиб келмоқда.

Ўтган давр ичида партиямиз мамлакатимиз билан бирга қисқа, аммо мазмундор йўлни босиб ўтди. Кўпгина қийинчиликларни енгишга, айниқса, мухолифиятнинг ғаразли хатти-ҳаракатлари, туҳматларига бардош беришга, айрим ишонмовчилик, тушунмовчиликларни бартараф этишга тўғри келди.

Сафларида адоват, ўзаро ички зиддиятлар ва гуруҳбозлик белгилари асло бўлмаган партиямиз ўзининг мафтункор халқчил ғоялари, олижаноб мақсадлари, умумхалқ сайлаган республика Президенти — ўз йўлбошчиси сиёсатига ҳамиша содиқдир.

Партиямиз Конституция ва қонунлар доирасида сиёсий фаолият кўрсатар экан, давлат, хўжалик, маъмурий-бошқарув ишларига бевосита аралашишдан воз кечди ва мамлакатимизда жамиятнинг ҳар бир аъзосига ўз сиёсий қарашларини эркин тандаб олиш учун имкон берувчи фикрлар хилма-хиллиги, кўппартиялилик, демократияни тўла қарор топтириш йўлидан оғишмай бормоқда.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси жамиятимиздаги қандайдир алоҳида бир табақа ёйинки қатламнинг сиёсий ташкилоти эмас, балки унинг дастурий мақсадларига қўшилувчи барча кишилар учун очиқдир. Бугун у ўз сафларида 370 мингдан знёдроқ знёлилар, деҳқонлар, тадбиркорлар, ишчи ва хизматчилар, ёшлар ва фахрийларни бирлаштирган. Партиямизнинг чинакам халқчиллигини унинг таркибида саксондан кўпроқ миллат вакилларининг борлигида ҳам кўриш мумкин. Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, ёрқин келажагимизни яқинлаштириш учун биз билан бирга астойдил меҳнат қилаётган рус, қозоқ, тожик, қирғиз, татар, корейс ва бошқа миллатларга мансуб сафдошларимиз — Ўзбекистоннинг фарзандлари, унинг келажаги ва шон-шуҳрати йўлида курашаётган асл ватанпарварлардирлар.

Тўрачилик, сансалорлик, худбинлик партиямизга ётдир. Унинг барча бўғинларида халқимизнинг кўп асрли тарихий тажрибаси, таркиб топган ҳаёт тарзидан келиб чиқувчи жамоавийлик, ўзаро ҳамкорлик, биродарлик муҳити қарор топмоқда.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўз фаолиятида халқ билан ҳамнафас, ҳамдард ва ҳамдам бўлиш, ундан куч-қувват олиш, унинг манфаатларини юқори қўйиш қоидаларига ҳамиша риоя қилиб келмоқда. Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши, Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир киши учун инсонга муносиб шарт-шароитлар яратиб беришдек улуғвор мақсадлар сафларимиз бирлигини таъминловчи асосий омилдир. Жамиятимизнинг етакчи сиёсий кучига айланган партиямизда Олий Мажлис ҳамда халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига номзодлар кўрсатиш учун тўла сиёсий ҳуқуқий асос бор. Ўйлаймизки, партиямизнинг сайловларда иштирокини қўллаб-қувватлаш учун зарур бўлган 50 минг сайловчининг имзосини тўплаш бўйича жойларда олиб борилаётган ташкилий ишлар бунинг дастлабки исботи бўлади.

Кўппартиялилик асосларидаги демократик сайловлар Ўзбекистон Халқ демократик партияси учун жиддий имтиҳон эканлигини унутмаслигимиз керак. Бут партиямиз, ҳар бир депутатликка номзодимиз қилинган ишлар тўғрисида халқимизга ҳисобот берадилар.

Ўзбекистоннинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, ҳуқуқий давлатни, демократик жамиятни бунёд этиш учун нималар қилдик? Ислоҳотларни амалга ошириш, уларни чуқурлаштириш иштирокимиз қандай бўлмоқда? Ижтимоий барқарорлик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш ишига қандай ҳисса қўшдик? Маънавий янгиланиш, миллий маданиятни ривожлантириш жабҳасида қилинган ишлар нималардан иборат? Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқаросида она-Ватанга, юртимизга меҳр-муҳаббат, унга эгалик қилиш ва унинг тақдири учун масъулият ҳиссини шакллантириш даҳлдор қандай фаолият кўрсатмоқдамиз? Ана шу ва бошқа кўпгина саволларга биздан жавоб берилишни талаб қилинади.

Партиямизнинг навбатдан ташқари II қурултойини тайёрлаш, унинг сайловолди Сиёсий дастурини ишлаб чиқиш жараёнида босиб ўтилаётган йўлимизни ҳар томонлама таҳлил этиш, унга холисона баҳо бериш лозим.

Ижозатингиз билан ўтган давр ичида халқимиз ва мамлакатимиз манфаатлари йўлида бажара олган ишларимизга қисқача тўхталиб ўтсак.

(Давоми иккинчи бетда)

БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИГА САЙЛОВЛАР МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН ХДП ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Биринчи. Партиямиз Ўзбекистон танлаган ўз тараққиёт йўлининг тўғрилигига қатъий ишонч намунаси бўлиб келди. Халқимизнинг донолик, олижаноблик, ҳаққонийлик каби фазилатларининг умуминсоний қадриятларга ўзвий туташлиги партиямиз ақл-заковатининг қудратли манбаи бўлиб, у бизнинг сиёсий иродамизни мустаҳкамлаб келди. Халқимизнинг ишончи ва мададига таяниб, ундан кучқувват олиб, биз Ватанимизнинг тарихий тақдири учун мустақиллик ғояси ҳамда амалиётининг моҳиятини чуқурроқ англашда кишиларимизга баҳоли қудрат кўмаклашдик. Барча мавжуд воситалар ёрдамида давлатимизнинг ислоҳотчилик фаолиятига уларнинг ишончини мустаҳкамлашга ҳаракат қилдик.

Халқимизнинг тарихий анъаналарига таяниб, сиёсий маданият ва масъулиятли демократияни вужудга келтириш масаласида муайян тажриба орттирдик. Партиямиз фаоллари собиқ тузумнинг ақида ва асоратларидан ўзлари ҳам ҳалос бўла бориш жараёнида маҳаллаларда, меҳнат жамоаларида халқлар дўстлиги, фуқаролар тотувлиги ва осойишталиги таркиб топиши учун астойдил ҳаракат қилдилар. Биз бу муҳим ишда юксак намуна кўрсатганликлари учун сафдошларимиздан миннатдормиз.

Ўз навбатида, халқ ишончи ва унинг мадади биздан содир бўлаётган ўзгаришларга сезгирлик билан муносабатда бўлишни, ўзининг сиёсий йўлини жамиятнинг зарурий эҳтиёжларига мослигини солиштириб кўришни, белгиланган вазифаларни бажаришда юксак масъулият кўрсатишни талаб этади. Бундай ёндашув бизнинг сайловолди ҳужжатларимизда ва бўлажак депутатларимиз фаолиятида уйғунлашмоғи, мужассамлашмоғи керак.

Иккинчи. Партиямиз мамлакат Президенти томонидан ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш бош йўлини қўллаб-қувватлади. Иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий асосини ташкил қилувчи қонунлар, фармонлар ва ҳукумат қарорларини тушунтириш, тарғиб қилиш борасида маълум ишлар қилинди ва қилинмоқда.

Бунда партия ташкилотларимиз одамларда мулкчиликнинг янги шаклларига тўғри муносабатда бўлиш фазилатлари шаклланишига кўмаклашмоқдалар. Улар иқтисодий эркинлик доирасини кенгайтириш, соғлом рақобиткорлик ва шахсий ташаббускорлик қийинчиликлардан чиқишнинг истиқболли ва самарали йўли, юртимизни гуллаб-яшнатишнинг муҳим омили эканлигини қаётий мисоллар билан аҳоли турли табақаларига етказишга интилмоқдалар.

Кўплаб корхоналарнинг партия ташкилотлари мулкчилик шаклларини ўзгартириш, уларни истеъмолчиларнинг юксак дидли талабларига жавоб бера оладиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштириш, ишдан бўшаб қолганларнинг бошқа касбларни ўзлаштиришларини ташкил этишга йўналтирилган дастурларни ишлаб чиқишда бевосита иштирок этмоқдалар. Партия ташкилотларимиз меҳнат жамоаларида ўзларини керак ва фойдали эканликларини исботладилар. Тўғри партия кенгашлари қишлоқ жойларида фермерлик ҳаракатини, хўжаликларнинг ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилишини, ишчарачиликнинг жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланишини таъминлаш борасида жиддий ишларни амалга оширмоқдалар. Кўплаб деҳқонларимизнинг ислоҳотлар туфайли эришилган иқтисодий эркинлик имкониятларидан кенг фойдаланаётганликларида обрў-эътибор партия етакчиларининг ҳиссаси бор.

Биз бундан буён ҳам тутгушимизнинг сифати ва даражаси мамлакатимиз олдига турган вазифаларнинг ҳаддаланишига қўшаётган ҳиссамизга, яратувчилик меҳнатининг маҳсулдорлигига боғлиқ эканлигини ҳар бир кишига чуқур тушунтиришимиз, кишиларимизда янги иқтисодий тафаккурни шакллантириш ишида фаол қатнашишимиз лозим.

Айниқса одамлар манфаати ўлида иқтисодий ислоҳотларни рўёбга чиқариш қобиятига эга эканликларини амалда исботлаётган кишиларни ҳокимият идораларига, давлат маҳкамаларига айланишлари, тайинланишларига эришишимизнинг сиёсий аҳамияти муҳимдир. Бу — депутатликка номзодларни танлашда сосий мезонлардан бири канлигини унутмаслик керак.

Учинчи. Жамиятимизда ўзаро ёрдам, ҳашар, муҳтожларни, хусусан, ногиронларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш каби халқимизнинг азалий удумларини барча имкониятларимиз билан мустаҳкамлаб бордик.

Кўплаб партия ташкилотлари Президентимизнинг аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасидаги Фармонлари ва ҳукумат қарорларининг бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини уюштирдилар. Ижтимоий сиёсатнинг моҳияти ва хусусиятлари кенг тушунтирилди ва тушунтирилмоқда, одамларнинг муайян қисмидаги боқимандалик кайфиятларини бартараф этишга катта эътибор берилмоқда. Партия ташкилотларимиз аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатиш соҳасида маълум ижобий тажриба тўпладилар. Уларнинг хайрия ишларидаги иштироки тобора кенгайиб бормоқда.

Биз бундан буён ҳам ижтимоий йўналишдаги ислоҳотларни амалга ошириш ишига ўзимизнинг ҳиссамизни янада баракалироқ даражада қўшмоғимиз даркор. Барча партия кенгашлари жойлардаги вазиятни мунтазам таҳлил қилиб боришлари, ХДП аъзоси бўлган раҳбарларнинг ижтимоий сиёсатни амалга оширишдаги шахсий ҳиссасига ҳолисона ва жиддий баҳо беришлари зарур.

Тўртинчи. Партия барча юртпарвар кучлар билан ҳамкорликда Ватанимизнинг маънавий пойдеворини мустаҳкамлашни ўз бурчи, деб билади. Мафкурага нисбатан бир зумлик менсимасликдан халос бўлиб, биз партиянинг айнан шу йўналишдаги назарий фаолиятини жонлантирдик. Мамлакатимиз раҳбари И. А. Каримовнинг даъватига жавобан Ўзбекистон ХДПнинг Миллий истиқлол мафкурасини ишлаб чиқиб, уни қаётга татбиқ этиш билан шуғулланмоқдамиз.

Партиямиз ташкилотлари Алишер Навоий, Аҳмад Яссавий, Мирзо Улуғбек ва башариятга танилган бошқа буюк аждодларимизнинг меросларига, муборак таваллудларига бағишланган тантаналарни ташкил этиш ва ўтказишда фаол иштирок этдилар. Ушбу унутилмас тадбирларда партиямиз ташкилотларининг иштироки халқимизнинг маънавий бойлигини ташкил қилувчи тарихий қадриятларнинг тикланишида, уларни ўрганишга аҳолининг кенг қатламларини жалб қилиш ишига қўшган аниқ ҳиссаси сифатида кенг жамоатчилик томонидан муносиб баҳоланишига шубҳамиз йўқ.

Биз жамиятнинг ақлий салоҳиятини тўлиқ даражада намоён этиш учун зарур шароитлар яратиш асосида унинг кенг қўламлардаги ахлоқий-маънавий янгиланишига бундан буён ҳам ёрдамлашмоғимиз лозим.

Бешинчи. Партиямиз Олий Кенгашдаги ва маҳаллий ҳокимият идораларидаги ўзининг вакиллари — депутатларимиз орқали замонавий маданиятли парламентаризм тажрибасини шакллантиришга ҳисса қўшди ва қонун яратувчилик ҳамда конституциявий қурилишда иштирок этиш тажрибасига эга бўлди.

Мамлакатимиз Президенти томонидан XII чақириқ Олий Кенгаш фаолиятига берилган юксак баҳо билан фахрланишга бизнинг ҳам ҳаққимиз бор. Ўзбекистон парламенти, дарҳақиқат, янги жамият пойдеворига, давлатчилигимиз, иқтисодий ва бошқа ислоҳотлар, умуман янги қаётимиз муҳташам биносининг тамал тошларини қўйди ва ўзининг вазифасини шараф билан бажарди. Бунда унинг таркибининг учдан икки қисмини ташкил қилувчи партиямиз аъзолари бўлган депутатларнинг хизмати беқиёсдир.

Олтинчи. Партиямиз республикамиз ҳукуматининг минтақамиз ва бутун дунёда тинчликни қарор топтириш, Ғарбу Шарқ давлатлари билан ҳамкорлик қилиш, халқаро муаммоларни биргалашиб ҳал этишга йўналтирилган ташқи сиёсатини қўллаб-қувватлаш билан бирга ўзи ҳам хорижий партия ва ташкилотлар билан дўстона муносабатлар ўрнатмоқда. Ҳиндистон, Хитой каби буюк мамлакатларнинг давлатни идора қилувчи партиялари ва Социалистик Интернационал билан алоқаларимиз бунга асосли далилдир.

Шундай қилиб, партиямиз ўтган қисқа даврда жамиятнинг етук сиёсий кучи сифатида танилди, ўзининг тарафдорлари ва иттифоқчиларига эга бўлди, салмоқли тажриба орттирди, дейишга тўла асосимиз бор. Демакки, сайловлар томонидан ишонч билан одимлашимиз мумкин, халқимизга ёруғ юз ила айтадиган салмоқли, тарози босадиган гапларимиз йўқ эмас.

Биз бутунлай янги партияни ташкил этганимизни яхши тушунамиз ва ўтган давр мобайнида ҳар бир қадамимизни ўйлаб босишга интилган бўлсакда, ҳамма нарсани ҳам олдиндан кўра билиш қийин эканлигига кўпчиликнинг ақли етади. Буни ўзимизни юпантириш мақсадида эмас, балки ишимиздаги барча нуқсон ва қусурларни бундан буён янада пухтароқ аниқлаш заруратини англаш учун айтмоқдамиз. Ҳали фойдаланилмаётган кўплаб имкониятларни ҳаракатга келтириш учун эса, уларга бевосита алоқадор муаммоларни белгилаш, ечиш лозим.

Бутун жамият учун, демак, бизнинг партиямиз учун ҳам, бош муаммо — кадрлар масаласидир. Мабодо, бунга тор партиявий нуқтаи назардан қарамасак, у ҳолда бу қийинчиликларнинг моҳияти нимадан иборат?

Ҳамма иллат, энг аввало, мустабидчилик тузуми шароитида «суяги қотган», унинг чирмовиқдай ақидаларидан ҳанузгача қутула олмаётган айрим раҳбар кадрларда. Улар ўзларидаги расмиятчилик, сафсатабозлик, «юқори»дан буйруқ кутиш каби асоратларни енга олмадилар, боқимандалик, таъмагирлик ва инсонларга ёт бошқа салбий ҳолатларни барҳам этмадилар.

Бу ерда шундай бир савол туғилади: нима учун партиямиз ўзининг аъзолари бўлган бундай раҳбарларга ўз вақтида ва етарли даражада таъсир кўрсата олмади? Ахир, сўздагина эмас, балки фидокорона ишлари ва давлатимизнинг кўп қирали сиёсатига ўзининг содиқлиги билан олдинги сафларда бориш ҳуқуқини алдақачон қўлга киритган кишилар ХДП сафларида оз эмас-ку?

Кўплаб раҳбарлар ХДПнинг ташкил топишига сезиларли, жиддий ҳисса қўшдилар, партия сафларига киришга иккиланаётганларга ўрнак бўлдилар. Афсуски, кейинчалик улардан айримлари ўзларининг партиявий, конституциявий, оддий инсоний бурчларини унутиб бўлдилар. Биз буни кўрмадик, деб айта олмаймиз. Лекин, ўтган даврнинг хатоларини такрорламаслик учун, очиқ айтишимиз керакки , партия кенгашларимиз бундай раҳбарларга нисбатан талабчан бўлмадилар.

Айрим ХДП аъзоларининг юқори лавозимлари жойлардаги партиямиз кенгашлари котибларида мазкур раҳбарлар ҳақида гўёки улар барча масалаларда ҳамиша ҳақдирлар, деган нотўғри тасаввурни ҳосил қилди. Шу асосда айрим шаҳар ва туманларда партия котиблари ва ҳокимлар ўртасида келишувчанлик ҳолати юзага келди. Бу партия кенгашлари ўзларини ҳокимлар ишидаги ўпирилиш ва камчиликларни кўрмаганга олдилар, ҳокимлар эса партия ташкилотларимиз билан гўёки ҳисоблашаётгандек бўлсаларда, амалда, унинг тавсияларини назарга олмасликка ҳаракат қилдилар. Бундай истиқболсиз йўлнинг баъзи жойларда нима билан тугаганини яхши биламиз ва ўртоқларни ишни ўзаро талабчанлик асосларида ташкил этишга даъват этамиз.

Олдимизда турган сайловларнинг яна бир жиҳати шундан иборатки, улар сиёсий партияларнинг масъул лавозимларини эгаллаб турган шахсларга таъсир кўрсатишларини таъминловчи мурватларни вужудга келтирадилар. Ушбу мурватларни биз қандай қилиб ҳаракатга келтириш ниятидамиз?

Биринчидан. Олий Мажлисдаги ва ҳокимиятнинг маҳаллий вакиллик идораларидаги депутатлар гуруҳлари орқали бошқарув тизимида давлат ва жамият ишониб топширган соҳада ишни рисоладагидай ташкил қила оладиган истиқболли, ҳалол, покиза, халққа содиқ ва юксак малакали ходимларнинг ишлашига эришиш билан.

Иккинчидан, ушбу ходимларда юксак масъулият руҳини шакллантириш мақсадида очиқ депутатлик сўровлари, сессиялар, комитет ва комиссияларнинг йиғилишларида уларнинг чиқишларини ташкил этиш билан.

Учинчидан, масъулиятсиз раҳбар ходимларга нисбатан сиёсий ишончсизлик билдириш ва уларни эгаллаб турган лавозимларидан чақириб олишни талаб қилишгача бориш билан.

Фақат партиямиз сайловларда ғолиб чиққан ҳолдагина биз давлат ҳокимиятини идора этишда қатнашишнинг мазкур қонуний имкониятларидан тўла даражада фойдалана олишимиз мумкин. Бу бизга қандай қилиб бўлса ҳам ҳокимиятга даҳлдор бўлишимиз учун эмас, балки дастурий мақсадларимизни, халққа берган сайловолди ваъдаларимизни амалга ошириш учун бош восита сифатида керакдир.

Бўлажак сайловларнинг кўппартиялилик асосида ўтказилиши биздан ҳар қачонгидан ҳам юксак масъулият, уюшқоқлик ва сафарбарликни талаб этади. Сайлов тараддудида қўйиладиган ҳар бир қадамимизни, айтадиган сўзимизни пухта ўйламасак, хатти-ҳаракатларимизда «етти ўлчаб бир кесмасак» кўзланган ғалабага эриша олмаслигимизни ва бу қандай жиддий оқибатларга олиб келишини яхши тасаввур этмоғимиз зарур.

Бас, шундай экан, партиямизнинг сайловлар олдидан мамлакатимиз фуқароларига мурожаатномаси, унинг қандай даражада мафтункор бўлишлиги алоҳида аҳамиятга эга. Ўзининг мақсади ва хусусияти, мазмун ва моҳияти жиҳатидан у ўта муҳим сиёсий дастур бўлмоғи керак, деб ўйлаймиз. Зеро, унда партиямизнинг жамиятимиз тараққиётига доир нуқтаи назари, яқин келажак ва истиқболда амалга оширилиши мўлжалланаётган улуғвор мақсадлари ҳамда сайловолди даъватларимиз, шиорларимиз ифода этилиши керак. Ҳажм жиҳатдан ихчам, аммо сермазмун мазкур дастуримизнинг ҳар бир қоидаси барчага, уларнинг қаётий манфаатларига, орзу-умидларига мос бўлганлиги боис ҳам тушунарли ва яқин бўлиши, қалбдан чуқур жой олиши, пировард натижада, тарафдорларимиз сонини кўпайтиришга хизмат қилиши мумкин.

Шундан келиб чиқиб, сайловолди дастуримизда қўйидаги ғоя, мақсад ва вазифалар баён этилмоғи керак, деб ҳисоблаймиз.

Биринчи. Мустақилликнинг сиёсий негизларини мустаҳкамлашни давом эттириши, олий қонун чиқарувчи ҳокимият — республика парламентининг самарали фаолиятини йўлга қўйиш, барча бўғинлардаги давлат идораларининг халқ ва мамлакат манфаатлари йўлида рисоладагидек ишлашини, расмиятчилик, сансалорлик, порахўрлик, коррупция каби иллатлардан холи бўлишини, суд ва маъмурий идораларнинг фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини тўла муҳофаза қилишларига эришишни, жамиятни демократиялаштириш жараёнларини чуқурлаштиришни, ўзини-ўзи бошқариш тизимини такомиллаштиришни, қонунлар, Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорларини бажаришдаги мавжуд тўсиқ ва жиддий камчиликларни бартараф этишни, қонунбузарлик, жиноятчилик, гиёҳвандлик, безориликка қарши курашни янада кучайтиришни таъминлаш.

Иккинчи. Бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш ўзанида иқтисодиётнинг туб ислоҳини қатъият билан давом эттиришга, мулк шаклларининг хилмахиллиги ва ўзаро тенглигини таъминловчи, барча ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий мустақиллиги ва масъулиятларини кучайтирувчи қонунларнинг амалга оширилишига ва шу масалаларга доир янги қонунлар қабул қилинишига эришиш.

Тадбиркорлик, ишбилармонлик, фермерлик, маданий тижоратни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга қулай шарт-шароитлар яратиб бериш тизимини жорий этишга кўмаклашиш.

Хорижий сармоя, илғор техника ва технология асосида ишлаб чиқаришни жаҳон андозалари даражасига кўтариш, истеъмол бозорини сифатли ва мўл-кўл моллар билан тўлдириш йўлидаги республикада қилинаётган саъйи ҳаракатларни янада ривожлантириш, кичик ва қўшма корхоналар, ҳиссадорлик жамиятлари, ширкатларнинг кўпайиши ва самарали фаолиятига, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимояловчи қонун-қоидаларни жорий этишга, маҳсулотларни чет элларга чиқариш эвазига хориждан валюта, техника ва истеъмол моллари олиб келувчиларга имтиёзлар берувчи қонунларга риоя қилишни таъминлаш.

Қишлоқда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотнинг комплекс тарзда ва барча меҳнат аҳли манфаатларига, яъни айни ижтимоий мақсадларга мослигини янада кучайтириш, деҳқоннинг ерга бўлган ҳуқуқини ишончли равишда, қонун билан кафолатлаш, аҳоли турмуш маданиятини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирларни кўрилишига эришиш.

Саноатни янгилаш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида янги технологияларни жорий этиш ҳамда шаҳарларни кенгайтириш жараёнида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, сув, ҳаво, тупроқнинг тозалигини, табиатни ҳимоялашга алоҳида эътибор берилишини таъминлаш.

Учинчи. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг кучли ижтимоий йўналишини таъминлаш, аҳолининг иқтисодий кам таъминланган қатламлари, хусусан, фахрийлар, ногиронлар, кўп болали оилалар, етим-есир, қаровсиз қолган қариялар, ўқувчилар ва талабаларга молиявий мадад бериш сиёсатини изчил давом эттириш, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш ва беморларнинг дори-дармонга бўлган эҳтиёжини яхшилаш учун шошилинч чоралар кўриш, меҳнатга лаёқатли барча кишиларни, айниқса, ёшларни ижтимоий-фойдали иш билан банд қилиш, уларнинг малака орттиришлари, самарали меҳнат қилишлари учун зарур имкониятларни яратиб беришнинг уддасидан чиқиш.

Тўртинчи. Маънавий янгиланиш ўзанларидаги ислоҳотларнинг аниқ мақсадли ва режали бўлишига эришишни, халқ таълими, фан, маданият, адабиёт ва санъатни миллий истиқлолимиз талабларига монанд ривожлантиришни, фуқароларни миллий ва умумбашарий қадриятлар, ватанпарварлик, миллатлараро ҳамжиҳатлик ва дўстлик, юртимизда яшовчи барча миллат ва элатларнинг умумий Ватани саналмиш Ўзбекистонни севиш, ҳимоя қилиш ва равнақи учун фидокорона меҳнат қилиш руҳида тарбиялашни, бу ишда шарқона маданий қадриятлар тизими имкониятларидан унумли фойдаланишни ташкил этиш.

Газета, журнал, китоблар нашр этиш ва тарқатишни давлат ҳимоясига олиш, халқимизнинг ақлий салоҳиятидан тўлароқ фойдаланиш ва уни муттасил, бойитиб боришга эътиборни жиддий кучайтиришга эришиш.

Ўзбекистон халқининг, мамлакатимиздаги барча миллат вакиллари тарихи, маданияти, тили, анъаналарини асраш ва ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар муҳайё этилишини, динга ишонувчиларнинг ҳиссиётлари, ҳуқуқ ва эркинликлари ҳурмат қилинишини таъминлаш.

Бешинчи. Республикамиз фуқаролари — деҳқонлар, ишчилар, зиёлилар, тадбиркорлар, Қуролли Кучлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг хизматчилари, фахрийлар, уй бекалари, ногиронлар, ёшлар олдида турган муаммоларни аниқлаб, уларга ўз муносабатларимизни билдириш, мазкур муаммоларни ечиш учун аниқ йўл ва самарали воситаларни таклиф этиш. Чунончи, сайловчиларнинг каттагина қисми ёшлар эканлигини ҳисобга олган ҳолда болаларимизга замонавий таълим-тарбия бериш, иқтидорли йигит-қизларнинг «худо берган» истеъдодларини намоён қилишлари учун пухта таг-заминни вужудга келтириш, «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Қонуннинг бажарилишини таъсирчан назорат остига олиш, болаларимизнинг истиқболсиз ишларга қўл уришларига йўл қўймаслик мақсадларида «давлат — жамоатчилик — оила» амалдаги самарали ҳамкорлигини йўлга қўйишни ташкил қилиш.

Олтинчи. Мамлакатимизда қарор топган фуқаролараро тотувликни, тинчлик ва осойишталикни асраш ва мустаҳкамлаш, халқимизнинг жипслиги, ҳамкорлиги, дўстлигига зиён келтирувчи ҳар қандай уриниш ва ҳаракатларга ўз вақтида зарба берилишига эришиш.

Еттинчи. Давлатимизнинг ташқи сиёсати, ҳукуматимизнинг халқаро майдондаги фаолияти бундан кейин ҳам муваффақиятли бўлиши учун хорижий мамлакатлар ва компаниялар, халқаро ташкилотлар билан тузилган битим ва шартномаларни бажаришни таъминловчи мурватларни, чет давлатлар билан алоқа қилувчи идораларнинг иши устидан ишончли назоратнинг жиддий тизимини вужудга келтиришга ҳаракат қилиш. Марказий Осиё давлатларининг сиёсий, иқтисодий, маданий иттифоқини вужудга келтириш, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари, хусусан, Россия билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган дадил қадамларни қўйиш, бу борада янги ташаббуслар кўрсатиш.

Партиямизнинг сайловолди Сиёсий дастурида акс эттирилиши лозим бўлган етакчи ғоялар асосан мана шулар. Албатта, дастурда улар аниқ таклиф ва тавсиялар тарзида баён қилинган бўлишлари, фаол ҳаракатларга чорловчи даъваткор шиорлар билан тўлдирилишлари керак.

Икки оғиз сўз сайловолди шиорларимиз тўғрисида. Партиямиз Раиси, мамлакатимиз Президенти И. А. Каримов Олий Кенгашнинг XVI сессиясида сўзлаган нутқда умуммиллий умумдавлат аҳамиятига молик шиорлар ўртага ташланди. Биз дастуримизда уларни акс эттириш билан бирга, Ислом Абдуғаниевич айтганларидек, ўз партиявий шиорларимизни ҳам илгари суришимиз керак. Бунда умуммиллий ва партиявий шиорларимизнинг ўзаро уйғун, ҳамоҳанг бўлишларига алоҳида эътибор бериш зарур.

Ўйлаймизки, партиямизнинг сайловолди Сиёсий дастури лойиҳасини тайёрловчи комиссия ушбу маърузада баён этилган ва унинг муҳокамаси жараёнида билдириладиган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олади, сайловда ғалабамизни таъминловчи муҳим сиёсий ва мафкуравий восита билан бизни қуроллантиради.

Биз Ўзбекистон Халқ демократик партияси — мамлакатимиздаги энг йирик, етакчи сиёсий партия, нуфузли ижтимоий-сиёсий куч, деб айтишга ўрганганмиз. Бу ҳақиқатдан ҳам шундай. Аммо, бўлажак сайловларда партиямиз бундан кейин ҳам ўзининг шу мавқеида қоладими ёки йўқми, деган масала яна бир карра кўндаланг бўлиши турган гап, албатта.

Ўз мавқеимизни сақлаб қолишимиз ва мустаҳкамлашимиз учун сайловларда қандай натижаларга эришмоғимиз керак? Бизни қониқтирадиган ягона натижа — бу сайловларда ишончли ғалаба қозонишдир. Бунинг учун бизнинг депутатларимиз Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашларда энг камида оддий кўпчиликни, аслида эса мустаҳкам, аксарият кўпчиликни ташкил этишлари талаб этилади. Ана шундагина Ўзбекистон Халқ демократик партияси мамлакатда энг таъсирчан сиёсий куч сифатида ўзининг эзгу ниятларини рўёбга чиқариш имкониятларига эга бўлиши мумкин. Бу эса сайловолди дастуримизда илгари сурилган ғоялар ва зиммамизга олган мажбуриятларни рўёбга чиқаришнинг бирдан-бир йўлидир.

Партиямиз ҳокимият тепасига келган тақдирдагина Олий Мажлис, Қорақалпоғистон Республикаси Жоқарғи Кенеси, халқ депутатлари вилоят, шаҳар, туман кенгашларига сайланган, ҳукумат таркибига кирган, ҳокимлар этиб тайинланган вакиллари орқали (ташаббус кўрсатиш, қонунлар лойиҳаси тайёрлаш ва уларни қабул қилишда иштирок этиш, бажарилишини назорат қилиш), аъзоларининг ҳалқ хўжалигининг барча жабҳаларида бевосита меҳнат қилишлари ҳамда давлат ва бошқарув идораларининг фаолиятини сиёсий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш йўли билан ўз сайловолди Сиёсий дастурида илгари сурган масалаларни ечишни уддасидан чиқиши мумкин бўлади.

Шу боис ҳамда янги парламентимизнинг ишчан, исми жисмига монанд бўлишини таъминлаш мақсадида депутатликка номзодларимизни танлаш масаласига ўта масъулият билан ёндашишимиз зарур.

Номзодларимиз ўз соҳаларининг малакали мутахассислари бўлишлари билан бирга, айни пайтда, ижтимоий-сиёсий фаол, виждонли, иймон-эътиқодли, ислоҳотлар йўлига, партиямиз сиёсатига содиқ, обрў-эътиборли кишилар бўлгандагина масъулиятли давримиз олдимизга қўйган вазифаларни муваффақиятли бажаришимиз мумкин.

Албатта, номзодларимиз орасида мамлакат фуқароларининг барча қатламлари, турли ёшдаги кишилар ва миллий гуруҳларнинг вакиллари бўлмоғи шарт. Энг муҳими — номзодларимиз партиямизнинг шарафли номи ва олижаноб мақсадларига, қадоқ қўлли заҳматкаш халқимизнинг орзу-ниятларини ушатиш, истиқлолимиз истиқболларини яқинлаштириш йўлидаги машаққатли кураш вазифаларига муносиб бўлсинлар.

Энди бир неча оғиз сўз депутатликка номзодларни кўрсатиш тартиби ҳақида. Маълумки, Қонунга кўра, бундай тартиб ҳар бир сиёсий партиянинг ўзи томонидан ишлаб чиқилади. Марказий Кенгаш Сиёсий ижроқўми тайёрлаган ва пленум қатнашчилари диққатига ҳавола этилаётган тартиб лойиҳаси билан кўпчилигингиз танишсиз. Бу ҳақда вилоят партия кенгашлари котиблари семинарида гапирилди, ҳужжат ишчи лойиҳаси сифатида маҳаллий партия кенгашларига юборилди. Шунинг учун унинг мазмунини изоҳлашга тўхталмай, фақат лойиҳадаги битта қоидага диққатингизни тортмоқчиман.

Партиямиздан депутатликка номзодлар рўйхатига киритилиши мўлжалланган кишилар партия қурултойи ёки тегишли партия кенгаши пленуми ушбу масалани кўриб чиқишидан олдин Ўзбекистон ХДП олдида виждон мажбуриятини қабул қиладилар. Мазкур ҳужжатда, партиямиздан депутат этиб сайлангандан сўнг унинг сафларидан ёки бизнинг депутатлик гуруҳимиздан чиқишни хоҳлаган кишиларнинг депутатлик ваколатларидан истеъфо бериш тўғрисидаги мажбурияти мустаҳкамлаб қўйилади. Бу — мазкур масалага оид жаҳон амалиётида умумэътироф қилинган ҳолат доирасидаги қоидадир.

Қонунга кўра, сайлов тўғрисидаги қарор эълон қилинган куннинг 25-сида депутатликка номзодлар кўрсатиш бошланади.

Ўша кунгача партия ташкилотлари нима иш қилишлари керак? Уларнинг энг биринчи қиладиган ишлари — депутатликка бўлажак номзодларни ўрганиш ва шу борада таклифлар тайёрлашдан иборатдир.

Шунингдек, ташкилотларимиз партия кенгашлари пленумлари ва Ўзбекистон ХДП II қурултойига тайёргарликни авж олдиришлари лозим. Ниҳоят, сайловолди тарғибот ва ташвиқот ишлари учун мустаҳкам замин ҳозирлашлари керак.

Кўриб турибсизки, азиз дўстлар, хотиржамлик ва беғамликка мутлақо вақтимиз йўқ. Ҳар бир кун, ҳар бир соат биз учун ғанимат эканлигини сира унутмайлик.

Ўртоқлар!

Партиямиз ва депутатликка номзодларимизнинг тарафдорлари сонини кўпайтириш, фуқароларнинг кўпчилигини ўз атрофимизда бирлаштириш мақсадида республикамизда фаолият кўрсатаётган жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликни янги поғонага кўтариш ҳам сайловолди давридаги долзарб ишларимиз сирасига киради.

Марказий Кенгашда кейинги кунларда ўтказилган Ўзбекистон уруш ва меҳнат фахрийлари уюшмаларининг Кенгаши, республика «Маҳалла» жамғармаси, республика хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи қўмитаси, республика Ёзувчилар уюшмаси, Миллий-маданий марказлар маъмурияти, Ногиронлар жамияти, Тадбиркорлар уюшмаси ва унинг тармоқ касаба уюшмаси раҳбарлари билан учрашув ва мулоқотларда уларнинг бўлажак сайловларда партиямизни қўллаб-қувватлаш ниятида эканликларини билдирганликлари ҳамда бу ҳолатни ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги тегишли битимларда мустаҳкамлаб қўйиш тўғрисидаги келишувларимиз бизга катта умид ва ишонч бағишламоқда. Айни пайтда Олий Мажлис, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларида вакилларига эга бўлиб олган партиямиз улар орқали бизни сайловларда қўллаб-қувватлаган ташкилотларнинг манфаатларини ифода этиш мажбуриятини бутунлай ўз зиммасига олади.

Агар мазкур ташкилотларнинг сафларида миллионлаб фуқароларнинг борлигини ҳисобга олсак, улар билан амалий ҳамкорликни мустаҳкамлаш бизнинг номзодларга кўплаб овоз олиб келтиришини фаҳмлаш қийин эмас. Шу муносабат билан партиямизнинг барча ташкилотларига жамоат бирлашмалари вакиллари ила учрашувлар ўтказишни, турли тадбирларни уюштиришни, сайловолди оммавий-сиёсий ишларимизга уларнинг фаолларини жалб этишни тавсия қилардик. Партиямиз маҳаллий кенгашлари депутатликка ва уларнинг ишончли вакиллигига муносиб номзодларни танлашда жамоат ташкилотларининг раҳбарлари ва обрў-эътиборли фаоллари билан маслаҳатлашиб олсалар ёмон бўлмайди.

Ушбу ташкилотлар билан алоқаларимизни мустаҳкамлашни кўзда тутиб йирик сиёсий тадбирларни биргалашиб ўтказиш ҳам фойдадан холи эмас. Жумладан, фашизм устидан қозонилган буюк Ғалабанинг 50 йиллигини нишонлашда, Ёшлар Иттифоқи, Хотин-қизлар қўмитаси, «Соғлом авлод учун» ва «Маҳалла» жамғармалари билан ҳамкорликда ёш авлод тарбиясига бағишланган тадбирларда фаол иштирок этиш партиямизнинг обрў-эътиборини оширишига ишонамиз. Ёшки, мамлакатимиз аҳолисининг кўп миллатли эканлигини ҳисобга олиб, миллий-маданий марказлар фаоллари билан биргалашиб, депутатликка номзодларнинг учрашувларини тегишли миллат вакиллари ғуж яшайдиган жойларда ўтказилиши яхши натижа беради, деб ўйлаймиз.

Шунингдек, сайлов мавсумида сайловчиларнинг муайян тоифалари билан тегишли сайлов округлари доирасида учрашувлар ўтказиб туришни тавсия этардик. Бундай учрашувларнинг дастлабкиларини оқсоқоллар, маҳалла фаоллари билан халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига номзодларни кўрсатишга бағишланган фуқароларнинг йиғинларидан олдин ўтказиш ниҳоятда муҳимдир.

Барча сайловчиларнинг бешдан бир қисмини ёшлар ташкил этиши тўғрисида айтиб ўтдик. Улар билан мунтазам ишлаш учун ёш сайловчилар клубларини очиб, уларда ёшларга хос тадбирларни ўтказиш тўғри бўлар эди.

Хуллас, сайловчилар бор ҳамма жойларда бизнинг бўлишимиз, уларга сиёсий таъсиримизни кучайтириш мақсадида жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни ривожлантирмоғимиз даркор.

Ҳурматли Пленум қатнашчилари!

Бугун биз «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонун талабларидан келиб чиқиб, партиямизнинг навбатдан ташқари иккинчи қурултойини чақириш ҳақида қарор қабул қилишимиз керак.

Аввламбор, қурултойни чақириш куни тўғрисида. Қонун бўйича, Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатиш, юқорида айтиб ўтилганидек, сайлов куни тайинланганидан кейин йигирма бешинчи кундан эътиборан бошланиб, сайловга қирқ беш кун қолганида тўхтатилади. Демак, биз партия қурултойини 18 октябрдан 10 ноябргача бўлган давр мобайнида ўтказишимиз лозим. Унга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ ташкилий-муолажавий масалаларни ҳал этиш зарурлигини инобатга олиб, Сиёсий ижроия қўмита Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг навбатдан ташқари II қурултойини шу йил 1 ноябрь куни чақиришни таклиф этади.

Қурултойга вакиллик меъёри ҳақида. Биз қурултойимизда туман ва шаҳар ташкилотларининг барчасидан вакиллар қатнашиши тарафдоримиз. Бунинг учун қурултойга вакиллик меъёрини 1300 нафар партия аъзосидан бир делегат қилиб белгиласак мақсадга мувофиқ бўларди.

Делегатларни сайлаш тартиби бўйича таклифлар (ақл) ларга тарқатилган. Эътибор берган бўлсанг

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

Душанба, 3. X

ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви. 18.10 «Тадбиркорлик мактаби». 18.35 «Сурнай навоси». Суннатилла Қорабоев. 18.55 Эълонлар. 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 Эълонлар. 19.25 «Телеоператор нигоҳида». Бухоро. 19.40 «Қўшиқ рақса уланса». Розия Абдулхаирова ва Тошпўлат Маткаримов. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Эълонлар. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Эълонлар. 21.00 «Истиқлол фидойиси». Абдулла Қодирий таваллудининг 100 йиллигига бағишланади. 23.05—23.30 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:

18.30 «Учқун». 19.00 «Нуқтаи назар». 19.25 «Олқишлар». 19.40 «Тақдир». 20.00 «Эътибор». 20.15 «Ишқ ранги». 20.30 «Кайфият». 21.00—22.00 «Аксадо».

ЎзТВ III

19.20 «Мультқарусель». 19.30 «Тараққиёт».

«ОМАД» таништиради:

20.00 «Совға». 20.30 «4/8». Мусиқий кўрсатув. 20.50 «Суперспорт». 1-қисм. 21.20 Эълонлар. 21.25 Видео— «О». 23.00 Эълонлар. 23.05—23.15 «Курьер».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Эрнст Неизвестний билан учрашув. 18.45 «Ким аслида ким?» рукни премьераси. XX аср. Ф. Шаляпин. 18.50 Янгиликлар. 19.00 «Тиғиз пайт». 19.25 «Шаддод Роза». Телесериал (Мексика). 19.55 «Биз». 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгиликлар. 21.40 «Қарамаққарши». Ҳужжатли фильм. 22.35 «Спорт уик-энди». 22.50—23.20 1994 йил юлдузлари.

Сешанба, 4. X

ЎзТВ I

7.00—9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 «Қувноқ эскадрон». Бадиий фильм. 10.05 «Зебо, Зиёда ўйнар». Фильм-концерт. 10.30 Ўқув кўрсатуви. География. 11.00 Немис тили. 11.30 Ўқув кўрсатуви. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 12.00 «Жаҳон бўйлаб киносаёҳат». Халқаро туризм кунига бағишланади. 12.40—14.40 «Синов даври». Телеканал.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви. 18.10 «Кичкинтой» устахонаси. 18.40 «Пул қадри». 18.55 Эълонлар. 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 Эълонлар. 19.25 Спорт хабарномаси. 19.30 «Таълим ва ислоҳот». Давра суҳбати. 20.00 Мусиқий дақиқалар. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Эълонлар. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Эълонлар. 21.00 «Оила». 21.45 «Табассум қил». Ўзбекистон халқ артисти Отажон Худойшукуров куйлайди. 22.40 «Серенада», «Ўра». Қисқа метражли бадиий фильмлар. 23.30—23.55 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:

18.30 «Мультфейерверк». 19.15 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва эълонлар. 19.40 «Видеогид». 20.00 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва эълонлар. 20.40—22.40 «Кинонигоҳ».

ЎзТВ III

19.20 «Мультқарусель». 19.30 «Ғазалхон ёшлигим». 20.10 «Дурдаршн» телекомпаниясининг кўрсатувлари (Ҳиндистон). 21.10 «Телеоператор нигоҳида». Самарқанд. 21.25 Тошкентда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгашининг Халқаро семинари.

«Тошкент» студияси таништиради:

21.55 «Спорт-тайм». Видеоканал.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30—9.00 «Тонг».

***

18.00 «Кўҳна майдон сирлари». 18.45 «Ким аслида ким?» XX аср. С. Дали. 18.50 Янгиликлар. 19.00 «Тиғиз пайт». 19.25 «Шаддод Роза». Телесериал. 19.55 «Мавзу». 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгиликлар. 21.40 «Илк манбадан». 21.50—23.30 Ғалабанинг 50 йиллигига. «Тирикларни чорлайман...» Бадиий фильм «Солдатлар борарди...» (А. Довженко номли киностудия, 1976 й.

Чоршанба, 5. X

ЎзТВ I

7.00—9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 «Доктор Абстнинг тажрибаси». Бадиий фильм. 10.30 Ўқув кўрсатуви. Ботаника. 11.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ). 11.15 Янги алифбони ўрганамиз. 11.45 «Ёшлик» студияси. «Ойдин орзулар». 12.15 Диёр тароналари. 12.45—13.50 Болалар театрида: «Яраш — яраш». Йўлдош Охунбобоев номидаги Ёш томошабинлар театрининг спектакли.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви. 18.10 «Ишбилармон». 18.40 «Шеърий дақиқалар». Гулчеҳра Жўраева. 18.55 Эълонлар. 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 Эълонлар. 19.25 «Ўзбекона лутф». Адабий кўрсатув. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Эълонлар. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Эълонлар. 21.00 Замонавий ўзбек қўшиқларининг «АНОР» телевизион танлови. 22.00 Ўзбек киносининг 70 йиллиги олдидан. «Алишер Навоий», Бадиий фильм. 23.35—24.00 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:

18.30 «Ёд этиб». 19.10 «Хонадонингизда тинчлик бўлсин!». 20.10 «Коллекция». 20.30 «Қиш тараддуди». 21.15 «Тошкент оқшомида». 22.15—23.30 «Хўроз». Бадиий фильм.

ЎзТВ III

19.20 «Мультқарусель». 19.30 «Хазинамиз таянчи». 20.00 «Телеоператор нигоҳида». Лондон. 20.15 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

21.05 «Би-Би-Си» янгиликлари. 21.20 «Ўзбекистон жаҳонга юз тутмоқда». 22.05 «Сиёсий портретга чизгилар». Жон Мейжор. 22.25 «Мусиқий саёҳат». 22.55—23.10 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 —9.00 «Тонг».

***

18.00 Эфирда—Давлатлараро «Мир» телерадиокомпанияси. «Ўз-ўзлари ҳақида». 18.30 «Инсон ва қонун». Махсус сони. 18.45 «Ким аслида ким?» XX аср. Б. Шоу. 18.50 Янгиликлар. 19.00 «Тиғиз пайт». 19.30 Россия муаллими. 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгиликлар. 21.40 А. И. Солженицин билан учрашув. 22.00—23.30 Бадиий фильм.

Пайшанба, 6. X

ЎзТВ I

7.00—9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 Бадиий фильм. 10.30 Ўқув кўрсатуви. Табиатшуослик. 11.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ). 11.15 Инглиз тили. 11.45 «Саломат бўлинг!». 12.05 «Ёрқин юлдузлар». Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллигига бағишланади. 12.35 «Севмак бўлурми сизни?...» Мусиқий кўрсатув. 13.05 — 13.35 «Ёшлик» студияси. «Имконият излаб».

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви. 18.10 «Санъат ғунчалари». 18.30 «Ўсимлик моддалари кимёси» бўйича I халқаро симпозиум. 18.55 Эълонлар. 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 Эълонлар. 19.25 «Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!». 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Эълонлар. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Эълонлар. 21.00 «Пахтазорга оқшом қўнганда». Кўрсатув ва концерт. 22.00 Буюк Ғалабанинг 50 йиллиги олдидан. «Урушнинг тўртинчи йили эди». Бадиий фильм. 23.25 — 23.50 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:

18.30 «Омад» тақвими. 18.40 «Жозиба». 19.00 «Бир шингил ҳангома». 19.10 Видео янгиликлари. 19.35 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва эълонлар. 20.20—22.20 «Кинонигоҳ».

ЎзТВ III

19.20 «Мультқарусель». 19.30 «Дурдаршн» телекомпаниясининг кўрсатувлари (Ҳиндистон). 20.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

*

«Тошкент» студияси таништиради:

21.20 «Эсдалик учун дастхат». 21.50 «Ҳар соҳадан бир шингил». 22.10 «Менинг кўчам». 22.40—23.20 «Антенна».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30—9.00 «Тонг».

***

18.00 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 18.30 «Россиянинг мовий дарёси ғарб томон оқмоқда». 18.45 «Ким аслида ким?» XX аср. Генрих Форд I. 18.50 Янгиликлар. 19.00 «Тиғиз пайт». 19.25 «Шаддод Роза». Телесериал. 19.55 В. Вульфнинг муаллифлик кўрсатуви. «Кумушранг шар». 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгиликлар. 21.40 «Москва —Кремль». 22.00—23.30 Бадиий фильм.

Жума, 7. X

ЎзТВ I

7.00—9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 «Чегем ҳангомаси». Бадиий фильм. 10.20 «Бола бошидан...» Мактабгача тарбия масалалари. 10.50 Немис тили. 11.20 «Кафолат». 11.50 «Ёшлар куйлаганда». 12.20 «Бунёдкор». 12.50—13.50 «Ёшлик» студияси. «Талабалар саҳнасида».

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви. 18.10 «Жасур чўпон бола», «Кечикмасдим». Мультфильмлар. 18.25 «Изланиш ва муаммолар». 18.55 Эълонлар. 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 Эълонлар. 19.25 Бевосита мулоқот. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Эълонлар. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Эълонлар. 21.00 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мурод Соҳибов куйлайди. 21.30 «Узанини топар дарёлар». 22.20 «Севги қудрати». Бадиий фильм. 23.30—23.55 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:

18.30 «Ўтмишсиз келажак йўқ». 19.00 «Билиб қўйган яхши». 19.20 «02» тўлқинида. 19.45 «Деҳқон ҳиммати». 20.15—21.50 «Тирранча». Бадиий фильм.

ЎзТВ III

19.20 «Мультқарусель». 19.30 «Фармон ва унинг ижроси». 20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм. 20.50 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).

«ОМАД» таништиради:

21.05 «Эм-Ти-Ви»дан мусиқалар. 21.25 «Суперспорт». 2-қисм. 21.55 «Даракчи». 22.05 Эълонлар. 22.10—23.00 Видео —«О».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30—9.00 «Тонг».

***

18.00 «Инсон ва қонун». 18.35 «Ҳужжатлар ва тақдирлар». 18.50 Янгиликлар. 19.00 «Бомонд». 19.20 «Шаддод Роза». Телесериал. 19.50 «Мўъжизалар майдони». 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгиликлар. 21.40 «Ҳафтанинг машҳур кишиси». 22.00—23.00 «Детективлар клуби»да. «Сан-Франциско кўчалари» Телесериал. 5-серия.

Шанба, 8. X

ЎзТВ I

7.00—9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 «Робинзон Крузонинг ҳаёти ва ажойиб саргузаштлари». Бадиий фильм. 10.30 Ҳужжатли экран. 11.15 «Ёшлик» студияси. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» почтасидан. 12.15 «Ўзбекистон бастакорлари». Муҳаммаджон Мирзаев. 13.45 «Шоҳруҳ» клуби. 14.15 «Ижод саҳифалари». Неъмат Ёқубов. 14.55—15.55 «Сирли сандиқ» телеўйини.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Уч қурбақа». Мультфильм. 18.10 Мактаб ўқувчилари учун. «Қўшиғим, жон қўшиғим». 18.50 Спорт хабарномаси. 18.55 Эълонлар. 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 Эълонлар. 19.25 «Истиқбол сари». 19.40 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси дуторчи қизлар ансамблининг концерти. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Эълонлар. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Эълонлар. 21.00 Мақсуд Шайхзода. «Мирзо Улуғбек». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театри спектаклининг телепремьераси. 23.15 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:

9.00 «Мультфейерверк». 9.45 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва эълонлар. 10.10 «Видеогид». 10.30 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва эълонлар. 11.10 «Кинонигоҳ». 12.50 «Омад» тақвими. 13.00 «Жозиба». 13.20 «Бир шингил ҳангома». 13.30 Видео янгиликлари. 13.55 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва эълонлар. 14.40 Кинонигоҳ».

***

«Тошкент» студияси таништиради:

18.30 Болалар учун. «Табассум». 19.10 «Эсдалик учун дастхат». 19.40 «Кичик дебют». Шуҳрат Аббосов. 20.00 «Антенна». 20.30—22.30 «Кинематограф».

ЎзТВ III

10.00 «Ёшлик» студияси. «Садо». 10.30 «Безнен мирас» (татар тилида). 11.10 «Дўстлик чегара билмайди». 11.40—12.20 «Рангинкамон» (тожик тилида).

***

19.20 «Мультқарусель. 19.30 «Ёшлик» студияси. «Хайрли оқшом!».

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

20.30 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар». 20.55 Корея Республикаси ташкил топган кунга. 21.30 «Ўзбекистон — қадрдон уйимиз». 22.00 «Би-Би-Си» янгиликлари. 22.15 «Бу ажиб дунё». 22.35 «Анор меваси». Мусаввир Ўрол Тансиқбоев. 23.15 Ўзбекистон телевидениесида Хитой телевидениеси кунлари. 23.45—24.00 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.10 «Брейн-ринг». 19.00 «Ўшангача ва ундан сўнг...» Кўрсатувни В. Молчанов олиб боради. 19.55 «Кулги панорамаси». 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгиликлар. 21.45—23.30 Бадиий фильм.

Якшанба, 9. X

ЎзТВ I

7.00—9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 «Маҳобҳорат». Кўп қисмли телевизион бадиий видеофильм (Ҳиндистон). 87—88-сериялар. 10.30 «Ёшлик» студияси. «Ватанимга хизмат қиламан». 11.00 Бир асар тарихи. Мирмуҳсин. «Темур Малик». 11.45 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ стартлар». 12.30 Оилавий ансамбллар телевизион фестивали. 13.05 Цирк! Цирк! Цирк! 13.50—14.50 «Хотира». Ўзбекистон халқ артисти Расулқори Мамадалиев.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Лизюкова кўчасида яшовчи мушукча». Мультфильм. 18.10 Мактаб ўқувчилари учун. «Рисолат қиз ўйнасин». 18.35 «Ойнаи жаҳонда». 18.55 Эълонлар. 19.00 «Ҳафтанома» (рус тилида). 19.30 Эълонлар. 19.35 «Якшанба оқшомида». Мусиқий кўрсатув. 20.25 Эълонлар. 20.30 «Ҳафтанома». 21.00 Эълонлар. 21.05 «Тановар» миллий рақс ансамблининг «Севги нидоси» номли рақс спектакли. 22.15 ЎзТВ хазинасидан. «Фотима». Бадиий фильм. 23.50—00.20 «Ҳафтанома».

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:

17.00 «Совға». 17.30 «4/8». Мусиқий кўрсатув. 17.50 «Суперспорт». 18.10 Эълонлар. 18.15 Видео—«О». 19.45 Эълонлар. 19.50 «Курьер». 20.10 «...Яна обҳаво ҳақида». 20.20 Ҳафталик шарҳ. 20.30 «Эм-Ти-Ви» мусиқаси. 20.50 Эълонлар. 20.55 «Суперспорт». 21.25 «Юлдузлар жилоси». Мусиқий кўрсатув. 22.00 «Даракчи». 22.10 Эълонлар. 22.15—24.00 Видео—«О».

ЎзТВ III

10.00 Замонавий ўзбек қўшиқларининг «АНОР» телевизион танлови. 11.00 «Интердиалог». 11.40 «Календарда байрам кунлари». 12.10—12.45 «Ҳамкорлик—тараққиёт нишонаси».

***

19.30—20.30 «Дурдаршн» телекомпаниясининг кўрсатувлари (Ҳиндистон).

*

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

20.30 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар». 20.55 Ўзбекистон телевидениесида Хитой телевидениеси кунлари. 21.25 «Би-Би-Си» янгиликлари. 21.40 «Колумб кашф этган диёр». 1-кўрсатув. 22.20 «Туризм маршрутлари бўйлаб». Самарқанд. 22.50 «Бу ажиб дунё». 23.10 «Спорт, спорт, спорт». 23.25 «Уммондан томчи». 23.55—00.10 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.20 «Баскетбол жазаваси». «Ҳақиқий ажина овловчилар». Мультфильмлар. 19.15 «Россия тароналари». Н. Мухаметзянов куйлайди (Қозон шаҳри). 19.40 «Бутун Россия. Салом!». 20.10 «Текс ва Сувости ҳокими». Бадиий фильм (Италия). 22.00—22.45 «Якшанба». Ахборот-публицистик кўрсатуви.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Қадрли муштарийлар!

Маълумки, 1995 йил учун мамлакатимиз газета ва журналларига обуна давом этмоқда. Аввал хабар берилганидек, **«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»** газетасининг йиллик обуна баҳоси

307 сўм қилиб белгиланган эди.

Кўп сонли муштарийларнинг талаб ва истакларини инобатга олиб, муассис — Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши обуна баҳосини ўзгартиришга қарор қилди. Шундай қилиб, **«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИ**нинг

1995 йил учун обуна баҳоси қуйидагича белгиланди:

Фуқаролар учун:

бир йилга — 252 сўм;

олти ойга — 126 сўм;

Корхона ва ташкилотлар учун:

бир йилга — 528 сўм;

олти ойга — 264 сўм;

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ

1 ОКТЯБРЬ—ХАЛҚАРО ҚАРИЯЛАР КУНИ



Нуроний бу отахонининг тўқсон билан тўқнашганига икки йил бўлди. Бердибой ота Нуралиев асли Жиззах туманининг Равот қишлоғидан. Бутун умри давомида отахон ҳаётнинг аччиқ-чучугини, пастбаландини кўрди: ўқитувчилик қилди, ёшларга таълим-тарбия берди. Турмуш ўртоғи Холбуви ая билан фарзандларини оқ ювиб, оқ тараб вояга етказди. Энди уларнинг камолини, бахтини кўряпти. Бу пиру бадавлат отахон атрофида йигирмадан ортиқ неваралар парвона. Кексалар айтганидек, фарзандларданбуюрсину, ҳар ким қариганда кўрсин-да...

СУРАТДА: Бердибой ота Нуралиев.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.

ТАШВИҚОТ ГУРУҲИ ДАЛАДА

Жиззах вилоятида пахта терими иштирокчиларига маданий-маиший хизмат кўрсатиш, улар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш мақсадида ташвиқот гуруҳи тузилди. Унинг таркибида вилоят филармонияси, мусиқали драма театри санъаткорлари, маиший хизмат кўрсатиш усталари, шоирлар, вилоят партия кенгаши ва Ёшлар Иттифоқи вилоят қўмитаси маъсул ходимлари бор.

Ушбу гуруҳ аъзолари Жиззах туманидаги Х. Носиров номли жамоа хўжалигининг Ҳасан Холматов бошчилик қилаётган бригада далаларида пахта тераётган шаҳар тиббиёт билим юрти талабалари ҳузурида бўлишди.

Нуриддин НУРМАТОВ,
ЎзХДП Жиззах вилоят кенгашининг ташкилий ишлар бўлими мудири.

МУКОФОТГА ГИЛАМ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Алишер Навоий номли жамоа хўжалиги бошланғич ташкилоти бошқарув билан келишган ҳолда хўжаликда фаолият кўрсатаётган гилам тўқиш цехининг дастлабки маҳсулотини пахта-йиғим теримида илғорлик қилаётган бригада жамоаси ҳамда кўпминг килограммчи теримчиларга беришга қарор қилди.

Бундай мукофотга хўжаликда биринчи бўлиб маррани эгаллаган ХДП аъзолари Ҳикмат Жўраев, Луқмон Рустамовлар бошлиқ бригадаларнинг жамоалари сазовор бўлишди.

— Хўжалигимизда 123 нафар ХДП аъзоси бор, — деди жамоа хўжалиги партия ташкилоти котиби Қурбон Саъдуллаев.— Шундан қарийб 100 киши теримда иштирок этмоқда. Олим Отақулов, Фармон Саъдуллаев, Хушвақт Ҳаитова, Руҳия Ўринова, Феруза Қурбонова сингари ХДП аъзолари бир неча бор мусобақа ғолиби сифатида тақдирландилар.

Ҳа, Ғиждувон туманидаги бу хўжалик партия ташкилоти Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топган куннинг уч йиллигини муносиб кутиб олиш, 2 минг тонналик «оқ олтин» хирмонини тезроқ бунёд этиш учун ана шундай йўл тутди.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

„ОҚ ОЛТИН" ХИРМОНИГА

1994 ЙИЛГИ ПАХТА ҲОСИЛИНИ ТАНЕРЛАШ БЎЙИЧА 30 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ
(режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Вилоятлар	бир кунда	мавсум бошидан	шу жумладан машинада терилгани: бир кунда	мавсум бошидан
Бухоро	2,04	70,63	0,14	3,07
Хоразм	2,62	59,45	0,38	2,42
Навоий	2,68	59,06	1,13	12,08
Самарқанд	2,53	53,50	1,02	16,13
Сурхондарё	2,12	52,94	1,28	19,27
Қашқадарё	3,58	51,86	3,37	30,74
Фарғона	2,56	51,50	0,85	6,46
Андижон	3,16	50,39	1,10	7,57
Наманган	3,06	37.03	1,66	10,03
Қорақалпоғистон Республикаси	2,28	27,65	0,81	4,07
Тошкент	3,17	26,78	2,61	13,61
Жиззах	2,75	25,86	2,44	15,58
Сирдарё	2,28	15,67	1,96	6,24
Ўзбекистон Республикаси бўйича:	2,68	44,64	1,62	12,25

КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА

«ЭЛ» ИННОВАЦИЯ ФИРМАСИНИНГ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ

Йилига 80-150 тонна карбид кальций ишлаб чиқарувчи электротермик ихчам ускуналарини

ТАВСИЯ ЭТАДИ

Ихчам ускуна буюртмачининг номинал қуввати 1000 ампердан кам бўлмаган ВДУ, ТДФ ва ТДФЖ маркали трансформаторлар асосида тайёрланади.

1 кг карбид кальций ишлаб чиқариш учун оҳак — 1,2 кг, кокс — 0,55 кг, электр қуввати — 4,5 квт сарфланади.

Шартнома тузиш учун буюртмачи томонидан 5 кг миқдорида оҳак топширилиши керак.

МАНЗИЛИМИЗ: 703004, Самарқанд шаҳри, У. Юсупов кўчаси, 2-уй (9-автобуснинг «Озиқ-овқат техникуми» бекати), телефон: код (366-2) 37-23-77, 31-03-74.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши «Ўзбекистон овози» газетаси ходими, республикада хизмат кўрсатган журналист

Жўра ХОЛҚОСИМОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Ўзбекистон овози» газетаси жамоаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, таҳририят ходими

Жўра ХОЛҚОСИМОВнинг

бевақт вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қилиб, унинг оила аъзоларига ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Фанлар Академиясининг «Биолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси бирлашманинг катта илмий ходими, биология фанлари номзоди

Омон Зокирович ЗОКИРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оиласи ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

КЕТАР БЎЛСА ШОИР БЎЛИБ КЕТСИН ЭНДИ...

Бухорои шарифнинг истеъдодли шоири Шамсиддин Садоий қадим Шарқ адабиётимизнинг нафис даричасини эҳтиром билан чертмоқда. Унинг орзу-ниятлари буюк устозлар назарига тушиб, шеърият бобида ижобат бўлғай. Шамсиддин таъби нозик йигит. Албатта, шу маънода ўзига хос Машрабфеъл шоир. Умидворманки, Шамсиддин келажакда катта шоир бўлади.

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон халқ шоири.

Ў З Б Е К И С Т О Н

Етти дарё кечдим, етти тоғ ошдим,
Ҳар шаҳарда қурдим манзил ошёним.
Пойингда тиз чўкиб қалбимни очдим,
Дунёда ҳур бўлган Ўзбекистоним!

Онажоним — дедим, термулиб турдим,
Жоним болам-дединг, ширин армоним.
Байроғингни ўпиб, кўвимга сурдим,
Дунёда ҳур бўлган Ўзбекистоним!

Бағринг маржон экан, олтинлар тердим,
Қўшиғинг шаън экан, булбулзабоним.
Мен ҳам созим олиб тўйингга келдим,
Дунёда ҳур бўлган Ўзбекистоним!

Сен учун занжирбанд Алишер бўлдим,
Жаҳонни лол этди Навоий номим.
Сени деб, Улуғбек ва Сино бўлдим,
Дунёда ҳур бўлган Ўзбекистоним!

Юртим, жон риштангга боғланай ўзим,
Сенга ҳам таъзимим сарбон замоним.
Сенгадир энг ажиб, хушзабон назмим,
Дунёда ҳур бўлган Ўзбекистоним!

Денгиз, дарёларинг тўлсин илоҳим,
Абад бутун бўлсин ризқ — рўзинг жоним.
Мангу ёнсин энди, ёнган чироғинг,
Дунёда ҳур бўлган Ўзбекистоним!

БУХОРОДАН ЙЎЛГА ЧИҚДИМ

Онажоним, ломаконинг нурга тўлсин,
Отажоним, ётган жойинг жаннат бўлсин.
Сиғилжоним, бедор қалбинг мадад этсин,
Бухородан йўлга чиқдим, Бухородан!

Онажоним, шоир ўғлинг айбин кечир,
Ҳозир йўлга чиқолмасам кейин кечдир.
Юрагимни байроқ қилиб кўтарай бир,
Бухородан йўлга чиқдим, Бухородан!

Зарафшонинг тўлқинлари сизга хайр,
Хадичамнинг оқ тонглари сизга хайр.
Сулув-сулув гул қизлари сизга хайр,
Бухородан йўлга чиқдим, Бухородан!

Ал Исмоил Бухорий Сиз огоҳ бўлинг,
Абдуҳолиқ Ғиждувоний ҳамроҳ бўлинг.
Е, Хўжам Баҳовандим паноҳ бўлинг.
Бухородан йўлга чиқдим, Бухородан!

Е, насиб деб, йўлга чиқдим кетарман деб,
Қайда экан бахтимни бир кўрайман деб
Ўзбекистон бир кунингга ярайман деб,
Бухородан йўлга чиқдим, Бухородан!

* * *

Юлдузларга дил боғламагил,
Улар жуда йироқда жоним.
Олти ойдир юлдуз кўзингдан,
Маним қалбим сўроқда жоним.

Дарёларга дил боғламагил,
Улар совуқ, тўлқиндир жоним.
Олти ойдир қалбимда бир дард,
Дарё оқар Жайҳундир жоним.

У тоғларга дил боғламагил,
Улар бедард қоядир жоним.
Улар маним қалбим олдида,
Шунчаки бир соядир жоним.

Қизғалдоққа дил боғламагил,
Улар ўткин хазондир жоним.
Маним қалбим қизғалдоқзори,
Қондан унган ёлқиндир жоним.

Дарвозангни чертса бир йўлчи
Пешвоз чиқиб бер садо жоним.
Шамсиддиндир у келган балки,
Садоийдир ул гадо жоним...

К Е Т М А С

Симобдек титраган шабнам ҳам охир,
Япроқ яноғидан тўкилмай кетмас.
Жаҳонни титратган жаҳонгирлар ҳам,
Аёл оёғига йиқилмай кетмас.

Энгашиб қабрга қулоқ сол бир дам,
Ногоҳ эшитгайсан минг фарёд, алам.
Сирот кўпригидан йиқилган одам,
Дўзах оловида ёқилмай кетмас.

Сен киму мен кимман англагай дунё,
Шоирман, чақмоқдан бўлганман пайдо.
Бу-ку сен экансан, Хизру раҳнамо
Бир кун меҳробимда кўринмай кетмас.

Қаршимда икки йўл, олти бекат бор,
Қўлимда маржона сендан бир хат бор.
Пешонада неки ёзган қисмат бор,
Садоий назмингда битилмай кетмас...

Қ О Р А С О Ч И Н Г

Қора сочинг ўсмасмикан?
Қошгинангни тўсмасмикан?
Сени мендан айирганни,
Парвардиргор билмасмикан?

Қор остида гул бормикан?
Гулга знён етмасмикан?
Сени мендан айирганни,
Бир кун оҳим тутмасмикан?

Борай десам йўллар йироқ,
Отим чарчаб толмасмикан?
Эртакдаги Семурғ қушлар,
Қанотига олмасмикан?

Фарғонани йўлларидан,
Бир қумри қиз тутмасмикан?
Бухородан нола қилсам,
Оҳим унга етмасмикан?

Д У О

Бобожонлар, моможонлар дуо айланг,
Ҳур ўзбегим кўкси осмон бўлсин энди.
Дуо айланг ё, Хизрим раҳнамо айланг,
Денгизлари, дарёлари тўлсин энди.

Отажонлар, онажонлар дуо айланг,
Мурод қилган муродига етсин энди.
Анбиёлар Шамсиддинга раво айланг.
Кетар бўлса шоир бўлиб кетсин энди...

Шамсиддин САДОИЙ.

• *Меъморчилик*

ОБИДАЛАР УМРИ УЗОҚ БЎЛСИН

● ҚАШҚАДАРЁ (мухбиримиздан). Зарафшон тоғ тизмалари этакларида Лангарота, Ҳазрати Лангар ва Лангар деб юритилувчи қишлоқлар бор.

Чироқчи ва Қамаши туманлари ҳудудидаги бу қишлоқлар денгиз сатҳидан 700-800 метр баландда жойлашган. Лангарота мақбараси ҳам ёдгорлик сифатида сақланиб қолган. Ҳазрати Лангар қишлоғида эса икки мақбара XIII-XIV асрлардан нишона бўлиб турибди. Бироқ бу мақбаралар таъмирлашга муҳтож. Республика «Меъмор» илмий таъмирлаш корхонаси ушбу обидаларни ўз ҳолига келтириш лойиҳасини тайёрлаганига 4-5 йил бўляпти. Аммо пул йўқ баҳонасида иш жойидан қўзғалмай турибди. Обидалар эса нажот қутмоқда.

Ғози РАҲМОН.

• *Илмий анжуман*

СЎЗ ЗАР, ТИЛШУНОС ЗАРГАР

● СУРХОНДАРЁ (мухбиримиздан). Термизда республика тилшуносларининг нутқ маданияти масалаларига бағишланган учинчи илмий анжумани ўтказилди.

Термиз давлат университетининг мажлислар залида ўтказилган йиғинда мамлакатимиз вилоятларидан келган олимлар иштирок этишди. Улар давлат тилини амалга ошириш борасида қилинаётган ишлар, бугунги кун адабиётида ва матбуотда ўзбек тилининг имло қоидаларига қай даражада амал қилинаётганлиги хусусида фикрлашди. Республика тилшунослик институти директори муовини, профессор Э. Бегматовнинг янги имло қоидалари ишлаб чиқарилгунча матбуотда йўл қўйилаётган айрим нуқсонларни олдини олиш ҳақидаги мулоҳазалари кўпчиликка маъқул келди.

Абдуғаффор ОДИНАЕВ.

ДЎСТИМИЗ ХОТИРАСИ



Ишонгинг ҳам келмайди ҳатто: кечагина кенжа ўғлини уйлантирганда тўйга келганларга хуштавозелик билан қўлларини қовуштириб таъзим бажо айлаган ҳамкасбимиз бугун бандаликни бажо айласа?!.

Пенсияга чиққанига бир йилча бўлса ҳам, на ҳаракатликни, на ижодда чарчаш нималигини билмаган асл ижодкор энди сира-сира қадрдон жамоасига қайтиб келмаса?!.

Чидамоқдан, Аллоҳнинг иродасига бўйсинмоқдан, яхши ишларини, дилкаш сўзларини бот-бот кўзда ёш билан эсламоқдан, у ҳақда сўраганларга: «Раҳматли, яхши одам эди», демоқдан ўзга чорамиз йўқ!

Жўра Холқосимов 35 йиллик журналистик фаолияти мобайнида газета ҳаётининг машаққатини ҳам, завқини ҳам тотди.

«1959 йил 17 августда журналистика ишига ўтдим, — деб ёзган эди у яқиндагина тўлдирган ўз таржимаи ҳолида,— дастлаб Ўрта Осиё темир йўл бошқармасининг «Темирйўлчи» кўп нусхали газетасида адабий ходим, 1961 йил 1 июндан то ҳозиргача «Ўзбекистон овози» («Қизил Ўзбекистон» ва «Совет Ўзбекистони») газетасида узлуксиз — 35 йил ишлаб келяпман. Дастлаб адабий ходим, 1969 йилдан эса бўлимларда мудир, кўп йиллар шу газета таҳрир ҳайъати аъзоси бўлдим. 3 та очерклар тўпламим чоп этилган».

У «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист», «Халқлар дўстлиги» ордени, «Шавкатли меҳнати учун», «Меҳнат фахрийси» медаллари, Фахрий ёрлиқ, мамлакат Журналистлар уюшмасининг қатор мукофотларига сазовор бўлганди.

Уни, биз ҳамкасблари суюб, «Жўра - саркор» деяр эдик. 18 йил муттасил жамоа партия бюроси котиби сифатида ўзига хос фазилатларини намоён қилган эди.

Жўра Холқосимов Тошкент вилоятининг Қатортол қишлоғида туғилган. Меҳнат фаолиятини ўқитувчиликдан бошлаган ҳамкасбимиз орадан йиллар ўтиб, республикамизнинг ном қозонган қаламкаши бўлиб етишди.

Ҳокисор, заҳматкаш, дилкаш Жўра Холқосимовнинг ёркин хотираси дўстлари, ёру биродарлари ёдида умрбод сақланади.

Бир гуруҳ ҳамкасблари.

• *Спорт* • *Спорт*

THE 12th ASIAN GAMES
HIROSHIMA 1994

ОЙ-ЮЛДУЗЛИ БАЙРОҚ ОСТИДА

ЭРТАГА ХИРОСИМА ШАҲРИДА XII ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ БОШЛАНАДИ

«ИШОНЧНИ ОҚЛАШГА ҲАРАКАТ ҚИЛАМИЗ»

Уч йил аввал юртимиз спортчиларини халқаро мусобақаларда мустақил қатнашишларини тасаввур қилиб бўлмасди. Бугун истиқлол шарофати туфайли Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсидаги нуфузининг ортишига спортчиларимиз ҳам муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Кичик олимпиада деб юритиладиган Осиё ўйинлари ҳам йирик анжуманлардан саналади. Ўзбекистон Республикасининг мовий-яшил байроғи остида бундай мусобақада иштирок этиш спортчиларимиз учун орзу эди. Уларнинг ниятлари ижобат бўлди. Биз Ўзбекистон Республикаси Миллий Олимпиада қўмитасининг президенти, республика жисмоний тарбия ва спорт Давлат қўмитаси раиси Собир РЎЗИЕВ билан ана шу ҳақда суҳбатлашдик.

— Осиё ўйинларида Ўзбекистон спортчиларининг ўз байроғимиз остида мустақил қатнашишларига эришиш ўз-ўзидан бўлгани йўқ, — деб ҳикоя қилади Собир Рўзиев.— Уч йил мобайнида ёшларимизни спортнинг ривожланган ва оммавий турлари бўйича жаҳон майдонларида ўтказилган йирик мусобақаларда синашга тўғри келди. Осиё ўйинларида иштирок этадиган спортчиларни танлаш учун барча мутахассис ва мураббийларга алоҳида йўл-йўриқ берилган эди. Улар спортчиларнинг имкониятлари, иқтидорлари, ютуқларини зиммадан қузатдилар. Шу тариқа терма жамоага фақат совринли ўринларга даъвогарлик қила оладиган ёшларни жалб этишга имкон топдик.

Хусусан, спортнинг бокс, кураш, эшкак эшиш, гимнастика, мерганлик, оғир атлетика, шахмат каби турлари бўйича кейинги йилларда ўтказилган халқаро мусобақаларда юқори натижаларни кўрсатган спортчиларимизга эътиборни қаратдик. Хиросимага эса жами 123 спортчи, 26 нафар тренер хизматчи ва журналистлардан иборат жамоа билан йўл оламиз. Мусобақалар эса спортнинг 34 тури бўйича ўтказилади. Вакилларимиз эса спортнинг 23 тури бўйича куч синашадилар.

— Сафарга жўнаш олдидан ўтказилган ўзига хос тадбирлар, хусусан, спортчиларни кийим-бош билан таъминлаш каби юмушларга ҳам аҳамият берилгани яхши бўлди-да.

— Тошкентнинг Яккасарой қабристонида иккинчи жаҳон урушида қатнашган, кейинчалик бунёдкорлик ишларида иштирок этган қариб мингга яқин япон йигит дафн этилгани маълум бўлди. Биз уларга ҳурмат бажо келтириш, хотирасини ёдга олиш мақсадида қабристонни зиёрат қилиб, гулчамбарлар қўйдик. Суратга тушиб, бу ердан олинган тупроқни Японияга олиб бориш учун тайёрлаб қўйдик. Ўйлаймизки, бундай инсоний қадриятлар япон халқига бўлган ҳурматнинг ўзига хос тимсолига айланади.

Кейин Тошкент аэропортида парвоз олдидан Ватанимиз ой-юлдузли байроғини тантанали суратда қабул қилиб олдик. Бундай тадбир ҳам йигитларимизда Ватан туйғусини оширди, дейиш жоиз. Биз Хиросима мусобақаларида байроғимизни кўпроқ кўтарилиб, мадҳиямиз бот-бот чалинишига эришиш учун қўлимиздан келгани барча имкониятларни ишга соламиз.

Мусобақанинг тантанали очилиши чоғида вакилларимиз эгнидаги кийим-бошлар бошқаларникидан ажралиб туради, деган умиддаман. Кези келганда, «Буюк ипак йўли» Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси ҳамда «Малика» бирлашмаси чеварлари тайёрлаб берган спорт кийимлари ва костюмлари юртимизга хос рамзлар билан безатилганини алоҳида таъкидлашни истардим.

— Маълумки, Осиё ўйинларининг тантанали очилиш маросими эртага бошланса, шу билан йирик мусобақа байроғи остида 16 октябрга қадар қизғин муросасиз баҳслар давом этади. Хиросимада спортчиларга яратилган шарт-шароит, мусобақалашиш ва яшаш учун қулайликлар етарли бўлса керак...

— Мусобақада иштирок этадиган ҳар бир мамлакат, хусусан, республикамиз терма жамоаси аъзолари учун олдиндан юборилган рўйхатга кўра яшаш жойлари тахт қилиб қўйилган. Жумладан, спортчилар 5—7 кишилик хоналарда, айтайлик, ҳар бир хонада икки кишидан бўлиб истиқомат қилишлари мумкин. Умуман, терма жамоа вакилларини яшашлари, машқларга зўр беришлари ва совринни учун курашишлари учун олимпиада даражасида шароитлар муҳайё этилган.

— Сизнингча, вакилларимиз спортнинг қайси турлари бўйича кўпроқ медаллар олишга даъвогарлик қиладилар? Таъбир жоиз бўлса, спортчиларимиз қанча олтин медаль билан қайтишлари мумкин, деб ўйлайсиз?

— Аввало шуни айтиш керакки, ҳаммаси яшил майдон, сузиш йўлкалари ва спорт залларида бошланадиган қизғин баҳсларда кўп нарса ойдинлашади. Шунга қарамай, олдиндан айтадиган бўлсак, мен бокс, енгил атлетика, теннис, спорт гимнастикаси, мерганлик, оғир атлетика, сузиш, кураш, эшкак эшиш каби спорт турлари бўйича ўтказиладиган мусобақаларда ёшларимиз ғолиблик супасига кўтарилиб, ишончни оқлашга ҳаракат қиладилар, деган фикрдаман. Мутахассислар билан ўзаро хомчўтларимизга қараганда, Хиросимадан камида 40 та олтин медаль билан қайтиш мумкин бўлар. Хусусан, енгил атлетикачи Анвар Кучмуродов, Дамир Тошпўлатов, гимнастикачи Оксана Чусовитина, мерганлар Шуҳрат Аҳмедов билан Анвар Осмонов, чавандоз Даврон Рўзимуҳамедов, дзюдочи Рустам Эргашев билан Алишер Мухторов, оғир атлетикачи Нодир Сулаймонов, курашчи Шамсиддин Худойбердиев билан Баҳодир Қурбонов, боксчилар Нарпмон Отаев билан Уйғун Сидиқов-ларга катта умид боғлаб турибмиз.

Кези келганда спортчиларимизга кўрсатилаётган катта эътибор, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида бизга имкон топиб, нуфузли спорт мусобақасида иштирок этишимизда ғамхўрлик кўрсатган юртбошимизга мухлислар ва спортчилар номидан миннатдорчилик айтгим келади. Биз бундай юксак ишончни оқлашга, мухлисларни қувонтиришга, ой-юлдузли байроғимизни янада сарбаланд этиб, Ўзбекистоннинг халқаро миқёсидаги нуфузини кўтаришга интиламиз.

Суҳбатдош:
. Ҳайдар НОСИРОВ.



СУРАТДА: ғолибликка даъвогар боксчилардан Ҳикматилла Аҳмедов билан унинг устози Рустам Қодиров.
Суратқаш А. МАМАДАМИНОВ.

Мусобақага йўл олганлар

● ЭРКИН КУРАШ: Абдулҳай Зупаров, Рамил Исломов, Искандар Юсупов, Руслан Хинчагов.

● ЮНОН-РУМ КУРАШИ: Ғайратилла Абдуллаев, Исомжон Кенжаев, Баҳодир Қурбонов, Григорий Пуляев, Шамсиддин Худойбердиев.

● БОКС: Муҳаммадқодир Абдуллаев, Алишер Авазбоев, Наримон Отаев, Ҳикматилла Аҳмедов, Фарҳод Бакиров, Икром Бердиев, Темур Иброҳимов, Олег Маскаев, Уйғун Сиддиқов, Дилшод Ёрбеков.

● ВЕЛОСПОРТ: Андрей Аксенов, Сергей Арьков, Фатма Галиуллина, Қаҳрамон Мўминов, Энвер Сейитмеметов.

● СПОРТ ГИМНАСТИКАСИ: Анастасия Дзюндзяк, Оксана Чусовитина.

● АКАДЕМИК ЭШКАК ЭШИШ: Василий Полонников, Василий Чекменев.

● БАЙДАРКА ВА КАНОЭ: Евгений Астанин, Андрей Горелов, Ирина Журавлёва, Инна Исакова, Владимир Казанцев, Иван Киреев, Андрей Колганов, Татьяна Левина, Ирина Лялина, Виталий Сорокин, Анатолий Тюрин, Константин Яшин.

● ДЗЮДО: Иргашев Рустам, Камол Мурадов, Алишер Мухтаров, Дмитрий Соловьев, Владимир Шмаков.

● ЧАВАНДОЗЛИК: Даврон Рўзимуҳамедов.

● ЕНГИЛ АТЛЕТИКА: Олег Веретельников, Рамил Ғаниев, Виктор Зайцев, Сергей Кот, Анвар Кучмуродов, Светлана Мунькова, Владимир Парфенов, Вадим Попов, Константин Сарнацкий, Дамир Тошпўлатов, Владимир Черников, Оксана Яригина.

● СУЗИШ: Александр Агафонов, Альберт Галяутдинов, Вячеслав Кабанов, Олег Пухнатий, Олег Цветковский.

● СУВГА САКРАШ: Данил Ғалеев.

● СИНХРОН СУЗИШ: Марина Обрашкина, Элмира Мубаракшина.

● ЗАМОНАВИЙ БЕШКУРАШ: Ёқуб Ашрафов.

● МЕРГАНЛИК: Шуҳрат Аҳмедов, Сергей Иваненко, Анвар Осмонов, Николай Репичев.

● ТАЭКВОНДО: Константин Кузнецов, Александр Ни, Равшан Тошпўлатов, Евгений Хан.

● ТЕННИС: Олег Огородов, Дмитрий Томашевич.

● ОҒИР АТЛЕТИКА: Владимир Гизберх, Григорий Лейбман, Нодир Сулаймонов, Игорь Халилов, Дмитрий Фролов.

● ҚИЛИЧБОЗЛИК: Элмира Зокирова, Елена Павличенко, Аниса Петрова, Рафқат Рўзиев, Светлана Филимонова.

● ЧИМ ХОККЕЙ: Анаит Аветисян, Зулфия Аъзамова, Эльмира Ғуломова, Элвира Жамилова, Дилфуза Кенжаева, Людмила Ким, Людмила Ли, Ғулсара Мамедова, Дилфуза Мирзаалиева, Светлана Михейчева, Татьяна Рибина, Наталья Сидирова, Софья Усенкова, Марина Хегай, Наталья Широковских, Иноятхон Эм.

● ФУТБОЛ: Азамат Абдураимов, Бердах Олланиёзов, Степан Атоян, Февзи Давлатов, Абдусамат Дўрмонов, Рустам Дўрмонов, Миржалол Қосимов, Сергей Лебедев, Фарҳод Муҳамедов, Шуҳрат Мақсудов, Абдуқаҳҳор Маърифалиев, Улуғбек Рўзимов, Александр Тихонов, Андрей Фёдоров, Илҳом Шарипов, Юрий Шейкин, Игорь Шквирин.

Соат 24.00

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ҲАЛОЛ МОЛ ЭКАН

«Афросиёб» кичик корхонаси ишчиси Комаровнинг ВАЗ-2106 русумли шахсий автомашинаси уч номаълум шахс томонидан босқинчилик йўли билан олиб кетилганлиги ҳақида маълумот тушди. Қарши шаҳар ички ишлар бўлимида тезкорлик билан кўрилган оператив чоралар туфайли ушбу жиноятни содир этган кимсалар қўлга олинди.

Автомашина ўз эгасига қайтарилди.

ВАГОН КУЗАТУВЧИСИ УШЛАНДИ

Тошкентнинг «Шимолий» темир йўл бекатида ички ишлар вазирлиги транспорт бошқармаси ходимлари томонидан 199-рейс билан Тошкент-Иркутск йўналиши бўйича ҳаракатланувчи поезднинг 7-вагон кузатувчиси Пожаев ушланди. У умумий нархи 1 миллион 190 минг сўм-купон бўлган саримсоқ пиёз ва 1 тоннаю 750 кило помидорни Иркутск шаҳрига олиб кетаётган экан.

ҲИБСГА ОЛИНДИЛАР

Косон туманида ёндирилган ҳолда топилган ВАЗ-21011 русумли автомашинанинг ичидаги икки жасаднинг шахси аниқланди. Булар ушбу автомашинанинг эгаси Ғаниев ҳамда унинг ҳамроҳи Примовлар экан. Суд тиббий экспертизасининг хулосасига кўра, уларнинг отиб ўлдирилганликлари маълум бўлди.

Дастлабки маълумотларга кўра жиноятчилар жабрланувчиларни ўлдириб, сўнгра автомашинани ёқиб юборишган.

Ички ишлар ходимларининг тезкор фаолиятлари туфайли ушбу жиноятни содир этган тўрттала жиноятчи ушланиб, ҳибсга олинган.

А. СОДИҚОВ,
ИИВ матбуот маркази инспектори, милиция лейтенанти.

ҲАЛОЛ МОЛ ЭКАН

«Афросиёб» кичик корхонаси ишчиси Комаровнинг ВАЗ-2106 русумли шахсий автомашинаси уч номаълум шахс томонидан босқинчилик йўли билан олиб кетилганлиги ҳақида маълумот тушди. Қарши шаҳар ички ишлар бўлимида тезкорлик билан кўрилган оператив чоралар туфайли ушбу жиноятни содир этган кимсалар қўлга олинди.

Автомашина ўз эгасига қайтарилди.

ВАГОН КУЗАТУВЧИСИ УШЛАНДИ

Тошкентнинг «Шимолий» темир йўл бекатида ички ишлар вазирлиги транспорт бошқармаси ходимлари томонидан 199-рейс билан Тошкент-Иркутск йўналиши бўйича ҳаракатланувчи поезднинг 7-вагон кузатувчиси Пожаев ушланди. У умумий нархи 1 миллион 190 минг сўм-купон бўлган саримсоқ пиёз ва 1 тоннаю 750 кило помидорни Иркутск шаҳрига олиб кетаётган экан.

ҲИБСГА ОЛИНДИЛАР

Косон туманида ёндирилган ҳолда топилган ВАЗ-21011 русумли автомашинанинг ичидаги икки жасаднинг шахси аниқланди. Булар ушбу автомашинанинг эгаси Ғаниев ҳамда унинг ҳамроҳи Примовлар экан. Суд тиббий экспертизасининг хулосасига кўра, уларнинг отиб ўлдирилганликлари маълум бўлди.

Дастлабки маълумотларга кўра жиноятчилар жабрланувчиларни ўлдириб, сўнгра автомашинани ёқиб юборишган.

Ички ишлар ходимларининг тезкор фаолиятлари туфайли ушбу жиноятни содир этган тўрттала жиноятчи ушланиб, ҳибсга олинган.

А. СОДИҚОВ,
ИИВ матбуот маркази инспектори, милиция лейтенанти.

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Алишер МАРДИЕВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ҳайрулла ЖУРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари).

Маҳфуза ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-20-36, 32-54-35.
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-54-95, 32-55-06.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тюнорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11; Бухорода — 3-54-87; Гулистонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-31-86; Навоийда — 3-74-76; Наманганда — 6-43-43; Нукусда — 7-58-83; Қаршида — 3-25-79; Қумқўрғонда — 52-624; Самарқандда — 35-22-90; Урганчда — 6-72-60; Фарғонада — 6-37-16.

● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 23.00
Г—1181 т. 7241 нусхада босилди.
Навбатчилар: Қ. ЭШМАТОВ, С. САЛИМОВ.

МАНЗИЛИМИЗ:
700083. ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси 41-уй. 423456.